Inson manfaatlari — oliy qadriyat

O'ZBEKISTON ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

# ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2021-yil 5-fevral, juma

№ 6-son (1323)

info@adolatgzt.uz
www.adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgz-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## 2017–2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ "ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ"ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юқори иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобидан халқимизнинг фаровонлигини ошириш ва кундалик ҳаётидаги муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Халқ билан очиқ мулоқот натижалари асосида тайёрланган **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури** (кейинги ўринларда – Давлат дастури) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Коронавирус пандемияси шароитида **тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини давом эттириш** мақсадида қуйидагиларнинг амал қилиш муддати **2021 йил 31 декабрга қадар** узайтирилсин:

туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларида фаолият юритаётган субъектларнинг ер ва мол-мулк солиғи бўйича 2021 йил 1 январь ҳолатига қарздорлиги тўланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ–5969-сон Фармонида назарда тутилган вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича 2020 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, мавжуд қарзига **пеня ҳисобланишини тўхтатиш ва солиқ қарзини мажбурий ундиришга қаратиш чораларини кўрмаслик талаби**;

коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқда турган **мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича берилган фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) суммаси;**

"хуфиёна иқтисодиёт" улушини қисқартириш учун солиқ аудити ўтказишда **"таҳлика-таҳлил"** тизими босқичма-босқич жорий этилган ҳолда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган кичик тадбиркорлик субъектларида **солиқ аудити ўтказилишига мораторий**.

3. **Ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш мақсадида** 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

а) олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган **200 нафар** ёшлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти жорий этилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат тест маркази билан биргаликда **2021 йил 1 апрелга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти грантини ажратиш тартибини ишлаб чиқсин ва олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида балл тўплаган шахслар тўғрисидаги очиқ маълумотларни назарда тутувчи ягона электрон реестрни шакллантирсин;

б) олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилаларга таълим кредити бериш ва талаба томонидан ушбу кредитни ўқиш даври тугагандан сўнг қайтариш амалиёти йўлга қўйилсин.

Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда **икки ой муддатда** мазкур амалиётни йўлга қўйиш ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига кредитлар учун мақсадли ресурслар ажратишни таъминлаш чораларини кўрсин;

в) олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони **25 фоиз**га ҳамда эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони **2 баравар**га оширилсин, шунингдек, хусусий олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашга давлат гранти бериш тизими жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021/2022 ўқув йили учун ўқишга қабул қилишга давлат буюртмаси параметрларининг тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

г) академик таътил беришнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

академик таътил олишни истаган талабалар **ўз ихтиёрига кўра академик таътил муддатига таълимнинг сиртқи ва масофавий шаклига ўтказилиб** (агар олий таълим муассасасида бундай таълимнинг шакллари мавжуд бўлса), уларга узлуксиз мустақил таълим олиш имконияти яратилади;

**оиласининг бетоб аъзосини парвариш қилиш сабабли анъанавий шаклдаги таълимни давом эттириш имконияти бўлмаган талабаларга** ҳам академик таътилни олиш ҳуқуқи берилади;

талабаларга ўқиш давомида академик таътил берилиши бўйича миқдорий чекловлар бекор қилинади;

академик таътилдан қайтган талабаларни илгари ўзлаштирилган фанлар бўйича қайтадан ўқитиш амалиёти бекор қилинади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда **бир ой муддатда** академик таътил олишни истаган талабалар томонидан сиртқи ва масофавий шаклда мустақил таълим олишни ташкил этиш, олий таълим муассасаларида экстернат тартибида таълим олиш бўйича ҳуқуқий асосларни яратишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) илмий унвон ва илмий даражаларни бериш ваколати **2021 йил 1 сентябрдан бошлаб** республиканинг нуфузли олий таълим муассасаларининг илмий кенгашларига босқичма-босқич ўтказилсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** илмий даражали кадрлар тайёрлаш ва олий таълимдан кейинги таълим соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

4. Республикада талаб юқори бўлган касблар бўйича иқтидорли мутахассисларни нуфузли хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда тайёрлашнинг самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида **2021 йил 1 апрелдан бошлаб**:

"Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали нуфузли хорижий олийгоҳларнинг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони **5 баробар**га оширилсин;

"Эл-юрт умиди" жамғармаси ҳисобидан хорижда бакалавриат таълим дастурлари бўйича ўқитиш тизими жорий этилиб, 2021 йилда **100 нафар** ёшларнинг хорижга таълим олиш учун юборилиши таъминлансин;

"Эл-юрт умиди" жамғармаси таълим дастурлари бўйича номзодларни саралашни очиқ стипендия танлови асосида Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун уларнинг республикадаги иш ва ўқиш жойидан қатъи назар мунтазам равишда ўтказиш амалиёти йўлга қўйилсин;

бакалавриат, магистратура ва докторантурада ўқиш дастурлари учун стипендия танловини нуфузли хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасадан ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги таклифнома асосида ўтказиш тартиби йўлга қўйилсин.

"Эл-юрт умиди" жамғармаси бир ой муддатда давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича аниқ чоралар кўрсин.

5. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар Академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги **уч ой** муддатда **физика фани ва чет тиллари** бўйича узлуксиз таълим сифати ва натижадорлигини ошириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс дастурларни ишлаб чиқсин:

илмий тадқиқотларни ривожлантириш, таълим ташкилотларида мазкур фанларни ўқитиш методикасини қайта кўриб чиқиш, амалий ва инновацион лойиҳалар танловларини ташкиллаштириш, соҳадаги илмий ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш;

янги авлод, шу жумладан, электрон дарслик ва ўқув курсларини яратиш, шунингдек, ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўқув дастурларида амалий ва интерфаол машғулотларнинг улушини кўпайтириш;

хорижий тилларни ўрганиш учун кенгроқ имконият яратиш мақсадида бепул тил ўрганиш электрон платформаларини яратиш;

ихтисослашган мактаб (синф)лар фаолиятини босқичма-босқич йўлга қўйиш, уларни олий таълим ташкилотлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро боғлаш ҳамда хорижий мамлакатлардан ўқитувчиларни жалб этиш.

6. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда **2025 йилда Ўзбекистонда ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинларини ўтказиш**га пухта тайёргарлик кўриш ишлари бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва унда қуйидагилар назарда тутилсин:

республикада мавжуд спорт объектлари ва иншоотлари, логистика, транспорт ва меҳмонхона инфратузилмасини ўрганиш натижасида Осиё Олимпия Кенгаши ва халқаро спорт федерацияларининг талабларига мувофиқ уларни таъмирлаш ёки янгиларини қуриш бўйича таклифларни тайёрлаш;

ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинларига тайёргарлик кўришнинг бош режасини унда белгиланадиган ҳар бир тадбир бўйича молиялаштириш манбаси ва масъул ижрочини кўрсатган ҳолда тузиш;

2




## Давлатобод мўъжизаси

4

Муносабат

## Тараққиёт ва ислоҳотлар йўлида сиёсий-амалий ёндашув

Бугунги сиёсий жараён, мамлакат фаровонлиги учун амалга оширилаётган ислоҳотлар, илгари сурилаётган ғоя ва ташаббуслар барчамиздан фаолликни талаб этмоқда. Янги Ўзбекистонда эркин ва обод турмуш яратиш вазифаси сиёсий майдонда ўз ўрнига эга, сайловчилар ишончини қозонишга бел боғлаган сиёсий партиялардан ҳам масъулият ва шижоат талаб этиши сир эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиздаги сиёсий партиялар раҳбарлари билан ўтказган учрашувида ҳам буни яна бир бор ҳис этдик. Зеро, бугунги кунда сиёсий партиялар учун халқ ичига чуқур кириб боришга имконият қанча кўп бўлса, шунга монанд вазифалар сони ва салмоғи ҳам ошиб бормоқда.

Мавжуд 5 та сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашув очиқ мулоқот тарзида ўтказилгани ғоят аҳамиятлидир. Унда партияларнинг жамиятимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш масалалари танқидий руҳда муҳокама қилиниб, ҳар бир партия етакчиси ўз олдига чора-тадбирлар белгилаб олишига имкон туғилди.

Президентимиз давлат ва жамият ҳаётига доир кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда, халқимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда сиёсий партияларнинг ўрни катталигини таъкидлаб, бизга ишонч билдирганлари рағбат билан тенг равишда масъулият тарзида фаолиятимизда янги қирраларни белгилади.

Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилаётган айни пайтда сиёсий партия раҳбарларидан янада жонбозлик талаб этилади. Иқтисодий-ижтимоий соҳаларни қамраб олган кўплаб дастурлар амалга оширилмоқда, аммо уларнинг самараси ҳамма ерда бирдек сезиляптими? Бу ўрганишимиз керак бўлган масалалардан биридир. Ҳозирги кунда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўплаб муаммоларнинг ечими сифатида қаралмоқда. "Балиқ эмас, балиқ тутиш учун қармоқ бер", деб бежиз айтилмаган. Аҳолининг ижтимоий ҳимояси аввало бандлик даражасини ошириш билан белгиланади. Иш ўринлари кўп, аҳоли доимий даромадга эга бўлса, халқнинг яшаш даражаси сезиларли равишда ўсишига шубҳа йўқ.

Бу борада аниқ ва манзилли ислоҳотлар олиб борилмоқда, қарор ва фармонлар қабул қилинмоқда, лекин уларнинг ижроси кўнгилдагидекми? Бу саволга Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий Кенгашлари орқали жавоб топиш мумкин. Депутат ўз аҳолиси билан ҳамнафасликда яшаш шароитларини ўрганса, халқни ўйлаб қилинаётган ишлар ҳар бир хонадонда аксини топаётганини назорат қилса, ислоҳотлар сари тўғри йўлдан кетган бўламиз. Чунки мақсад тўғри қўйилса унга эришишда маъно-мазмун уйғунлашади.

3

## ТЕЛЕТИББИЁТ — соғлиқни сақлашнинг янги соҳаси




5

## "ЧАЛА ИМОРАТ" қураётганларга ЖАЗО БОРМИ?



6

Таҳрирсиз хат



## "БОЛА ПУЛИ"ни сўрашдан чарчадим...

Навоий вилояти, Хатирчи тумани, "Қўрғонтепа" маҳалласи, "Қизилбулоқ" қишлоғи, 2-уйда яшовчи Раимбердиева Дилнозадан келиб тушган мурожаатда кўтарилган масала нафақат ушбу опамиз ёки синглимизга, балки республикамиздаги жуда кўплаб ёш оналарга тааллуқли десак, янглишмаслик керак. Қуйида мазкур мурожаатни келтирамиз:

5

# 2017–2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ “ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

1-БЕТ

Осиё Олимпия Кенгаши талабларига асосан ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинлари дастурига киритиладиган спорт турларини саралаб олиш ва ўйинлар дастурини ишлаб чиқиш босқичларини белгилаш.

7. **Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш** ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш мақсадида:

а) **2021 йил 1 июлдан бошлаб** “ҳамширалик иши” билан мустақил шуғулланиш учун ўрта тиббиёт мутахассисларига ўзини ўзи банд қилиш асосида рухсат берилсин;

б) **2021 йил якунига қадар** меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож 900 нафар чин етим битирувчилари уй-жой билан таъминлансин.

Молия вазирлиги кейинги йиллар учун бюджет параметрларини шакллантиришда меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож етим битирувчилари ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашга маблағлар ажратилишини назарда тутиб борсин;

в) **2021 йилда 22 та** мактабгача таълим ташкилоти бинолари, **31 та** янги мактаб, **16 та** олий таълим муассасалари бинолари, **24 та** соғлиқни сақлаш объектлари ҳамда **23 та** спорт объектларининг қурилиши таъминлансин.

8. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим олиши ва касб эгаллашига кўмаклашиш, оғир касалликка чалинган болаларни даволаш мақсадида **Болаларни қўллаб-қувватлаш фонди** ташкил этилсин ва унинг мақсадлари амалга оширилишини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан **100 миллиард сўм** ажратилсин.

9. Илғор хорижий тажриба ва кенг жамоатчилик таклифлари инобатга олинган ҳолда, **2021 йил 1 июнга қадар ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш**га қаратилган қуйидаги амалиёт жорий этилсин:

муҳтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш амалиётини **сертификат бериш тизимига** ўтказиб, фуқароларга ўз танловига кўра давлат томонидан бериладиган маблағлар (сертификат) ҳисобидан исталган ишлаб чиқарувчидан протез-ортопедия буюмлари ва реабилитациянинг воситалари сотиб олиш имкониятини яратиш;

ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, улар ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда **ногиронликни муддатсиз даврга белгилаш.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги **уч ой муддат**да тиббий-ижтимоий хизматнинг мутлақо янги моделини шакллантириш чораларини кўрсин.

10. Пенсия ва нафақаларни тайинлашда **фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш** мақсадида қуйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2021 йил 1 июндан бошлаб**:

пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр – 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади;

уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилинади;

ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилади;

пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади;

пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (кейинги ўринларда – Пенсия жамғармаси) тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиш жараёнида ёки банк мобиль иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилади;

фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганлигини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олувчи шахслар томонидан ҳар олти ойда Пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади.

11. Пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган ортиқча тўлов суммасининг **2021 йил 1 февраль** ҳолатига бўлган қарздорлиги ҳисобдан чиқарилсин.

12. Иқтисодиётни ривожлантириш, шу жумладан, **камбағалликни қисқартириш ва узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишнинг пойдеворини яратиш** мақсадида:

а) ишсиз аъзолари бор оилаларга, жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга деҳқончилик билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш учун:

деҳқончилик билан шуғулланиш учун, шу жумладан, янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларида 0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратилиши;

ажратилган ер майдонлари суғориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб суғориш тизими ва бошқалар) ҳамда электр энергияси билан таъминланиши;

берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғ, кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратилиши йўлга қўйилсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда **2021 йил 1 апрелга қадар** ҳар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, эҳтиёжманд оилаларга деҳқончилик билан шуғулланиш учун кўмаклашиш тизимини йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

б) тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун **7 миллион** сўмгача субсидиялар ажратилиши амалиёти йўлга қўйилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** ишсиз аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятига жалб қилишнинг янги механизмлари юзасидан таклиф киритсин;

в) **2021 йил 1 мартдан бошлаб** заргарлик соҳасида кенг имкониятлар яратиш учун “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК томонидан кумушни биржа орқали заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга эркин сотиш тартиби жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги **бир ой муддатда** кумушнинг ишлаб чиқарувчиларга биржа савдолари орқали сотилиши, биржага қўйиладиган кумуш ҳажмларини шакллантириш ва маҳсулот бошланғич нархини асосли белгилаш бўйича таклифларни киритсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, **2021 йил 1 мартдан 2022 йил 1 июнга қадар ички туризмни оммалаштириш доирасида** Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун қуйидаги харажатларнинг **бир қисмини қайтариш** механизми жорий қилинади:

**авиаташувчиларга** – ички туризм йўналишларидаги авиақатновларда **авиа** чипта нархининг **25 фоизи**;

**туроператор ва турагентларга** – Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ташкил этилган турлар юзасидан авиа ва темир йўл чипталари нархининг **15 фоизи** ҳамда жойлаштириш воситаларининг жойлаштириш бўйича хизматлари (меҳмонхона хизматлари) нархининг **10 фоизи**. Бунда, ушбу харажатларнинг бир қисмини қайтариш саёҳат амалга оширилган ҳудудлардаги жойлаштириш воситаларида камида **бир кеча тунаб қолиш шарти билан** тақдим этилади.

14. Электр энергияси ва табиий газ таъминотида монополияни бекор қилиб, бозор муносабатларини шакллантириш мақсадида:

суюлтирилган газ импорти учун белгиланган божхона божи ва уни импорт қилиш учун талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар бекор қилинсин;

**2021 йил 1 июнга қадар** ишлаб чиқарувчи ва импортёрлар учун электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш соҳасига бозор механизмларини жорий этиш орқали улгуржи бозорни шакллантириш “Йўл харитаси” ишлаб чиқилсин.

Энергетика вазирлиги “Йўл харитаси” ишлаб чиқилишини таъминласин ҳамда биринчи босқичда **2021 йил 1 августдан бошлаб**, йирик корхоналарга электр энергияси ва табиий газни импорт асосида сотиб олиш ҳуқуқи берилишини назарда тутсин.

15. Давлат солиқ хизматида “Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида фермер хўжаликларининг даромад ва харажатларини автоматик шакллантириш ва солиқ органларига юбориш имконини берувчи электрон тизимни **2021 йил 1 июлга қадар** амалиётга жорий этиш чоралари кўрилсин.

Белгилансинки, давлат солиқ хизматининг фаолиятини “Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида ташкил этиш доирасида олдинги йил учун даромадлари йиллик молиявий ҳисобот маълумотларига кўра камида **5 миллиард сўм**ни ташкил этган, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари солиқ мониторингида иштирок этишга ҳақли.

16. Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги ва Ҳисоб палатасининг Молия вазирлиги тизимидаги Давлат молиявий назорати департаменти тузилмасини такомиллаштириш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ички аудит хизматларини тартибга солиш тизимини ривожлантириш, шунингдек, ўтказиладиган текширишлар ва уларнинг натижалари юзасидан маълумотларни очиқ эълон қилиб бориш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Молия вазирлиги Ҳисоб палатаси билан биргаликда **бир ой муддатда** давлат молиявий назорати ва ички аудит тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ишларни жадаллаштирсин.

17. Божхона назорати тартиб-таомилларини такомиллаштиришда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, **давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш** мақсадида **2021 йил 1 июлдан бошлаб** божхона назоратини олиб боришнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

тоифадан ташқари мақомдаги **“Масофавий электрон декларациялаш божхона постлари”** синов тариқасида босқичма-босқич ташкил этилади;

божхона расмийлаштируви жараёнларини масофавий бошқариш, инсон аралашуви кескин қисқартирилади;

чегараларда ветеринария ва фитосанитария органлари томонидан юк ташувчиларни рўйхатга олиш, ҳужжатларни текшириш, уларга кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ундириш жараёнини рақамлаштириш орқали умумий онлайн назорат амалиёти жорий этилади.

18. **Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш**, шу жумладан, **давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш** мақсадида:

а) жорий йилда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда ҳар бир ҳудудда биттадан туман (шаҳар) бюджетини шакллантиришда харажатларнинг камида **5 фоиз**ини бевосита аҳолининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб, маҳаллладаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш тартиби эксперимент тариқасида жорий этилсин;

б) **2021 йилда** давлат бошқаруви **ходимлари сони ўртача 15 фоизгача оптималлаштирилсин.**

Молия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 мартга қадар** қуйидаги чораларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси киритилишини таъминласин:

бошқарувда бир-бирини такрорлайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни ва мажлисбозликни қисқартириш;

кўп йиллар давомида бўш турган штат бирликларини оптималлаштириш;

айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш ҳамда лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қисқартириш ва уларни бериш жараёнини автоматлаштириш ҳисобига иш жараёнларини қайта кўриб чиқиш;

вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнларини соддалаштириш;

рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан иш жараёнларини оптималлаштириш;

вазирликларда фаолиятни туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштириш тизимини жорий этиш;

в) ўрта ва қуйи бўғин бошқарув органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш доирасида:

вилоят, туман, шаҳар ва маҳалла бошқарувида самарадорликни ошириш учун ходимлар сони ва маоши ҳудуднинг ўзига хослиги ва иш ҳажмидан келиб чиқиб белгилансин;

қуйи тизим раҳбарлари ва ходимларини янгича талаблар ва замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ишлашга ўргатиш ва малакасини мунтазам ошириб боришнинг аниқ тизими жорий этилсин;

Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** ўрта ва қуйи бўғин бошқарув органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича аниқ чораларни кўрсин;

г) **2021 йил якунига қадар** амалдаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан, эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни бекор қилиш ва тарқоқ ҳужжатларни тизимлаштириш орқали **тартибга солиш юкини ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг даражасини камайтириш учун ортиқча нормаларни қисқартириш** таъминлансин.

Адлия вазирлиги **2021 йил 1 майга қадар** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларини бекор қилиш бўйича ишларни ташкил этиш ҳамда аниқ муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатларни тизимлаштириш бўйича таклифларни киритсин;

д) **2021 йил 1 июлга қадар** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қарорларни фақатгина **махсус “E-qaror”** электрон тизими орқали тайёрлаб, қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Адлия вазирлиги **уч ой муддатда**:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш, ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш;

электрон тизимдан фойдаланиш, уни юритиш ва унда жамоатчилик иштирокини таъминлаш;

қабул қилинаётган қарорларни ижрочи ва манфаатдор ташкилотларга етказиш ва тегишли базалар билан интеграция қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини мазкур тизимда ишлаш бўйича ўқитиш амалиётини йўлга қўйиш;

электрон тизим орқали қабул қилинмаган ҳужжатларни амалга киритганлик ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни адлия органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказмаган ҳолда қабул қилганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш бўйича таклифларни киритсин.

19. Молия вазирлиги **2021 йил 1 майдан бошлаб** қуйидагиларга оид молиявий маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида эълон қилиш амалиётини жорий этсин:

давлат органлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромади ва харажатлари;

устав фондида (устав капиталида) давлат улуши **50 фоиз** ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ҳамда уларга устав фондининг (устав капиталининг) **50 фоизи** ва ундан ортиғи тегишли бўлган юридик шахслар харидлари;

давлат субсидия ва грантларининг миқдорлари ва олувчилари.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги **икки ой муддатда** очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини кенгайтириш, шу жумладан, давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган тендер ва танлов комиссияларининг таркиби, давлат активларининг олди-сотди ва давлат-хусусий шериклик лойиҳалари жараёнлари иштирокчилари, солиқ ва бошқа имтиёзлар олувчилар каби маълумотларни очиқ эълон қилиш бўйича таклифларни киритсин.

20. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи **“Е-Антикоррупция” лойиҳасини амалга ошириш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан киритилган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш, соҳа ва тармоқлар кесимида чуқур таҳлиллар ва жамоатчилик сўровларини ўтказиш натижасида **“Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри”**ни шакллантириш;

“Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри”га мувофиқ ҳар бир коррупциявий омилни биринчи навбатда рақамлаштириш (электрон навбат, аукцион ва бошқа замонавий усуллар), очиқликни таъминлаш, жамоатчилик назорати каби воситалар орқали бартараф этиш бўйича таклифларни экспертлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасида кенг муҳокамадан ўтказган ҳолда ишлаб чиқиш;

амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини ва коррупциявий омилларни бартараф этишга таъсирини жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда баҳолаш ва эълон қилиш.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** “Е-Антикоррупция” лойиҳасини амалга ошириш механизмлари ҳамда коррупцияга мойил бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин.

21. Адлия вазирлиги **бир ой муддатда** аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатга киришишида **бюрократик тўсиқларни тубдан қисқартириш**га қаратилган, қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини киритсин:

фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар фойдаланиши мумкин бўлган давлат хизматларининг кўламини кенгайтириш;

давлат, ижтимоий ва бошқа хизматларни кўрсатишда фуқаронинг шахсини тасдиқлашнинг ягона идентификация рақамини жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини йўлга қўйиш орқали улар ўртасида қоғоз кўринишида ҳужжат тақдим этиш амалиётига чек қўйиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган давлат хизматларининг натижаларини почта алоқаси орқали етказиш амалиётини йўлга қўйиш;

**“марказ-маҳалла-фуқаро”** тамойили бўйича давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиб келинаётган хизматларнинг ҳар бир оилага кириб боришини таъминлаш бўйича Қарши шаҳар тажрибасини жорий этиш.

22. **2021 йил 1 майдан бошлаб** мамлакатимизга **2005 йил 1 январга қадар** келиб, доимий яшаётган, шунингдек, мамлакатимизда **15 йил давомида** доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган (чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган) шахслар томонидан истак билдирилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби жорий қилинсин.

23. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро стандартлар ва инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш мақсадида:

**2021 йил 1 апрелга қадар** Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изоляторы ва жазони ўташ муассасаларига **“мониторинг ташрифлари”** тизимини йўлга қўйиш чораларини кўриш тавсия этилсин;

**2021 йил 1 июнга қадар** жазони енгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаларидан янги ташкил этиладиган **инсонпарварлик комиссияларига** ўтказилсин;

**2021 йилда 6 тагача** манзил-колониялар қисқартирилсин.

24. Кенг жамоатчиликнинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) **йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг асосий фаолиятини фуқароларга кўмак беришга йўналтириш** ҳамда **коррупцияга имкон берадиган омилларни бартараф этиш** чораларини кўриш учун:

автомототранспорт воситасини техник кўрикдан ўтказишни экстерриториаллик принципи асосида йўлга қўйиш ва янги автомототранспорт воситасини техник кўрикдан ўтказиш талабини бекор қилиш;

Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида биттадан рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлинма)ларида фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудидан қатъи назар автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга давлат рақами белгиларини беришни амалга ошириш;

барча рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлинма)ларида ҳамда камида **20 та** давлат хизматлари марказларида миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштиришни (шу жумладан, алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини бериш) фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудидан қатъи назар амалга ошириш;

ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга талабгорлардан имтиҳон олиш жараёнини жамоатчилик томонидан, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали кузатиш имконини яратиш;

илғор хорижий тажрибага асосланган ҳолда, автомобиль йўлларида йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ўлим ҳолатларини, шу жумладан, пиёдалар ўтиш жойларининг замонавий светофорлар билан таъминланганлик даражасини босқичма-босқич ошириш орқали қисқартириш.

Ички ишлар вазирлиги **уч ой муддатда** ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

б) республика ҳудудида давлат ўрмон фондига кирмайдиган **дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига жорий этилган мораторийнинг** амал қилиш муддатини 2021 йил 31 декабрга қадар узайтириш. Бунда:

ҳар бир кесилган дарахт ва буталар учун компенсация тарзида **10 туп** қимматлилиги жиҳатидан кесиладиган дарахт ва буталардан кам бўлмаган, йирик ўлчамли кўчат экиш ҳамда уларни камида икки йил давомида парвариш қилиш, ноқонуний кесилган дарахт ва буталар учун эса **уч йил давомида** парваришлаш шарти билан **100 туп** кўчат экиш мажбурияти киритилсин;

дарахт ва буталарнинг кесилишига жорий этилган мораторий талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида дарахт ва буталарнинг ноқонуний кесилишини аниқлаган ёки олдини олган фуқароларни рағбатлантириш тизими жорий этилсин.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси **икки ой муддатда** атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаш тартибини қайта кўриб чиқиб, табиатни қайта тиклашга қаратилган компенсация механизмларини кенг жорий этсин.

25. Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** хорижий мамлакатлар билан 2021 йилда савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-маърифий, маданий-гуманитар ва сиёсий соҳаларда, шунингдек, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва тадбиркорлик субъектлари учун тартиб-таомилларни соддалаштириш ва махсус қулай режимлар тақдим этишни назарда тутувчи аниқ чора-тадбирлар бўйича таклифларни киритсин.

26. Адлия вазирлиги “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни **ҳар ойда** умумлаштириш ҳамда якунларини аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришларни, таҳлилий ахборот кўринишида акс эттирган ҳолда, ўз веб-сайтларида жойлаштириш;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни **ҳар ойда** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Давлат дастурини амалга ошириш якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин.

27. Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастурининг изчил ва ўз вақтида ижросини назорат қилишни қуйидаги тартибда амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ўз ҳудудларида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича **ўн кун муддатда** чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва **ҳар ойда** ўз мажлисларида муҳокама қилиб боради;

Вазирлар Маҳкамаси **ҳар ойда** Давлат дастури бажарилишини Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳузурида танқидий кўриб чиқади, **ҳар чоракда** Ҳукумат Раёсатида муҳокама қилиб боради ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўради;

Олий Мажлис палаталари **ҳар чоракда** Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларининг Давлат дастури бажарилиши юзасидан ахборотларини эшитиб боради ҳамда бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда **ҳар ойда** Давлат дастури бажарилишини назорат қилиб боради ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш чораларини кўради.

28. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Халқаро пресс-клуб билан ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминлаш тавсия этилсин.

29. Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

30. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 3 февраль

ADOLAT 3
6-son 2021-yil 5-fevral

# Тараққиёт ва ислоҳотлар йўлида сиёсий-амалий ёндашув



**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси**

1-БЕТ

Учрашувда илмий-тадқиқот институтлари мамлакат тараққиёти учун қандай долзарб муаммолар билан шуғулланаётгани ва уларнинг иқтисодиётимиз тараққиётига татбиғи масаласи мавҳумлигича қолаётгани таъкидланди. Шунингдек, ҳозирда дунёнинг барча давлатлари учун аҳамиятли бўлган "Covid-19"га қарши вакцинани танлаб олиш ва фуқароларимизни эмлаш масалаларида олим ва мутахассисларнинг тавсиялари сезилмаётганига эътибор қаратилди. Бу бўйича сиёсий партиялардан жўяли таклиф ва муносабатлар билдирилса, иш самараси кучаяди. Умуман олганда, кундалик турмушда кузатилаётган муаммоларга аввало сиёсий партиялардан нуқтаи назар кутилиши жамоатчилик фикрини тўғри шакллантиради.

Маълумки, сиёсий партиялар ўз депутатлари орқали жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, уларнинг ечими бўйича таклифлар бериш имкониятига эга. Шундан фойдаланган ҳолда таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини олиб бориш муҳимдир. Бу борада "марказдан қуйига" усулида ишлаш наф беради.

Учрашувда ижтимоий соҳалар қатори таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. "Адолат" социал-демократик партияси электоратининг асосий қисмини ёшлар ва аёллар ташкил этар экан, уларнинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлашга кўмаклашиш масаласи долзарблигини йўқотмайди. Учрашувда бу борада фикрлар алмашилиб, янги вазифалар аниқлаштириб олинди.

Ҳаётда ёшларга оид масалалар кўп, улар ичида энг муҳимларидан бири уларнинг онги устида ишлаш, тўғри фикрлашга йўналтира олишдир. Бугун ёшлар ўртасида ғоявий бўшлиққа қарши кураш, ёт мафкуралардан ҳимоя қилиш бўйича аввалгидан кўра кўпроқ ишлашимиз зарур бўляпти. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг ахборот хуружларига қарши курашиш бўйича миллий стратегия тузиш ҳақидаги таклифи инобатга олиниб, истиқболдаги режалар белгиланди. Дарҳақиқат, бу борада тизимли фаолият, таъсирчан механизмларгина иш беради. Тасаввурлари ўзгарувчан, янгиликка ташна ёшларимизнинг фикрларини эҳтиёт қилиш келажакда содир бўлиши мумкин бўлган турли муаммоларнинг олдини олади. Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ўзбекона қадриятлар учун бегона эмас, шундай экан бу йўлдаги ҳаракатлар бизга ортиқча машаққат келтирмайди, шунчаки ёшлик шижоатини тўғри ва мақсадли йўналтиришга кўмаклаша олсак бас.

Кун тартибидаги муҳокамалардан яна бир долзарб масала ўрин олди. Бугунги кунда ахборот-коммуникацион технологиялар ривожланди, Интернетнинг фаол имкониятлари фойдаланувчилар томонидан тезкор равишда ўзлаштирилмоқда. Бу мамлакатимизда олиб борилаётган очиқлик ва шаффофлик сиёсати билан бевосита боғлиқлик касб этади. Аммо ОАВга берилаётган сўз эркинлиги асло суиистеъмол қилинмаслиги даркор, бу масалани назардан четда қолдиролмаймиз. Афсуски, бугунги воқеа-ходисалар ҳар доим ҳам тўғри ва холис баҳо тополмаяпти. Вазиятга шахсий қарашлари билан ёндашиб, сўнг буни омма фикрига айлантиришга уринишлар, муаммога аниқ ечим бериш ўрнига бўрттиришлар орқали салбий муҳит яратиш кўп кўзга ташланмоқда. Эътироз билдириб, норозилик уйғотиш билан иш битмайди ахир, масалани ечиш учун аниқ таклифлар зарур. Бизнинг ёшларимиз, шу жумладан, "Ёш адолатчилар" қаноти ислоҳотлар иштирокчисига, ташаббускорига айлансалар, кўзлаган марраларимизни забт этишимиз осонлашади, тезлашади.

Шу жиҳатдан учрашувда блогерлик институтини яратиш, ижтимоий тармоқлардаги ҳолатларни ўрганиб борувчи махсус гуруҳ тузиш таклифи ўрганилди. Бу ишга ҳозирда холислик тамойилига риоя этган ҳолда фаолият олиб бораётган блогерларни жалб этиш мақсадга мувофиқ. Шунда ваҳимали ва ёлғон ахборотлар билан кенг жамоатчиликни чалғитиш, оммани ёлғон ва тасдиқланмаган фикрлар билан суғоришга чек қўйилади. Асоссиз ва бўҳтон маълумотларни тарқатувчиларга нисбатан қонуний жавобгарлик масаласи кўриб чиқилса, кишиларнинг огоҳлиги ошади, тўғри ва фойдали маълумотларни қабул қилиш имконияти кенгаяди.

Учрашувда ҳар бир партия ўз дастурий мақсадларини парламентга фаол олиб чиқиши, ўз фракциялари орқали қонунчилик ташаббусларини илгари суриши ва қонунлар ижросини таъминлашни назоратига олиши зарурлиги ўринли таъкидланди. Ҳа, айни дамда парламент аъзолари ва сиёсий партиялардан дадиллик, қатъият, ғоя ва ташаббуслар ила фаоллик талаб этилмоқда. Бу йил ўтказиладиган Президентлик сайловларида ҳар бир сиёсий куч ўз салоҳиятини имтиҳондан ўтказади.

Партиялар фаолияти бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилса, ўз тарафдорларини кўпайтиради, сиёсий майдондаги ўрнини мустаҳкамлайди. Давлат раҳбари билан учрашувдаги фикр-мулоҳазаларни бир тизгинга солиб, фаолиятимизни чуқур таҳлил қилиш ва такомиллаштиришни мақсад қилдик. Эзгу ғояларни амалга оширишда эса ҳар доимгидек бунёдкор халқимизга таянамиз.

# МУРОЖААТЛАР КЎП БЎЛДИ, ҚАНЧАСИ АМАЛГА ОШАР ЭКАН?

**Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида сайловчиларни қизиқтираётган масалаларни ўрганиб, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топмоқдалар.**

**Учрашувлар давомида депутатлар сўнгги йилларда аҳолига давлат ва жамият ҳаётига доир амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, шунингдек, Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот бериб бормоқда. Қолаверса, сайловчиларни қизиқтираётган масалаларни атрофлича ўрганиб, ушбу масалалар юзасидан тегишли давлат ташкилотларига депутатлик сўровини юбориш бўйича ишларни амалга оширмоқда.**

**Шунингдек, жойлардаги учрашувларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган муҳим йўналишлар ва устувор вазифалар ҳар томонлама муҳокама қилинмоқда.**

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ:

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олтиной МАЪМИРОВАнинг** жалақудуқлик ёшлар билан учрашуви қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Учрашув аввалида депутат туманда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга хизмат қилувчи мактаб тўгараклари фаолияти билан танишди. Тўгаракларда шуғулланаётган ёшлар билан суҳбатлашиб, уларнинг қизиқишлари, олдига қўйган мақсади ҳақида фикр алмашди.

— Жорий йил "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб номланиши ҳар биримизнинг зиммамиздаги масъулиятни оширди, — дейди **Олтиной Маъмирова.** — Ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Ҳали бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар турибди. Барча таълим муассасалари ва ёшлар билан ишловчи ташкилотларда ҳам иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш, уюшмаган ёшларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига кўмак бериш борасидаги ишлар самарали йўлга қўйилган, деб айтиш қийин. Бу борада мунтазам жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Зеро, таъкидланганидек, янги Ўзбекистонни азму шижоатли ёшларимиз билан биргаликда барпо этамиз.

## БУХОРО ВИЛОЯТИ:

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қодир ЖЎРАЕВ** ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Бухоро вилоят кенгаши раиси Мақсуд Ҳамидов Бухоро муҳандислик технологиялари институтининг ўқитувчи ва талабалари билан учрашди.

Жонли мулоқот жараёнида бугунги кун ўқитувчисидан талаб этилаётган энг асосий вазифалар ҳақида тўхталиб ўтилди. Қодир Жўраев таълим тизимига қаратилган эътибор борасида тўхталар экан, "Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, "Бугун кечагидек яшашга ҳаққимиз йўқ", дея устозларни яна бир карра ўз устига ишлашга чорлади.

**Қонунчилик палатаси депутати, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Таваккал ЧОРИЕВ** Бухоро вилоятининг ҳарбий қисмларидан бирида офицерлар ва аскарлар билан мулоқотда бўлди. Мулоқотда депутат Қуролли Кучларимиз қудратини, қўшинларнинг профессионал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратди. Суҳбат давомида бугунги кунда Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2020 йил давомидаги фаолияти, шунингдек, 2021 йилда белгиланган вазифалар, кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари, ўтказиладиган назорат-таҳлил тадбирлари тўғрисида ҳам маълумот берилди. Очиқ мулоқот ҳамда савол-жавоблар тарзида бўлиб ўтган учрашувда иштирокчилар томонидан фикр ва мулоҳазалар ҳамда соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан таклифлар билдирилди.

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ:

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мақсуд ҚУРБОНБОЕВнинг** сайловчилар билан жонли мулоқоти Хонқа туманининг "Катта куч" маҳалласида жойлашган 21-сон умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилди. Туман ҳокими ва мутасаддилари, маҳалла аҳолиси, ёшлар, партия фаоллари, туманда фаолият юритаётган давлат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган учрашувда депутат М.Қурбонбоев мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида гапирди.

Шундан сўнг депутат Мақсуд Қурбонбоев ҳамда Хонқа туман ҳокими Мурод Давлетов биргаликда фуқаролар, айниқса, ёшлар билан суҳбатлашиб, уларни қийнаб келаётган муаммолар билан ўртоқлашишди.





Шохруҳ Оллаберганов боғ яратиш нияти борлигини билдирди. Унинг ер майдони ва имтиёзли кредит олиш тўғрисидаги мурожаати эътиборга олинди ва "Миллий банк"дан ташриф буюрган вакилга кредит масаласини тез кунда ижобий ҳал этиш вазифаси топширилди. Розия Қурбоновага ҳам ўзини ўзи банд қилиш дастурига мувофиқ, уйида миллий пишириқлар тайёрлаш бўйича тадбиркорлик қилиши учун имтиёзли кредит бериладиган бўлди.

— 15 йилдан буён сартарош сифатида ижарада фаолиятимни олиб бормоқдаман. Ўз сартарошхонам бўлиши кўп йиллик орзуим эди. Бугунги учрашувда мурожаатим эътиборга олинганидан хурсандман, — дейди Аминбой Матёқубов.

Шу маҳаллада яшовчи Гулистон Жабборова ва дугоналарига маҳаллада тикувчилик цехи очиб берилса, 40 нафар тенгдошларини иш билан таъминлаш мақсадида қилган мурожаати ҳам эътиборга олинди ва МФЙ раисига қисқа муддатда бу масаланинг ечимини топиб, туман ҳокимиятига етказиш таклифи берилди.

"Катта куч" маҳалласи аҳолиси томонидан маҳаллада биронта ҳам мактабгача таълим муассасаси мавжуд эмаслиги тўғрисидаги масала ҳам мутасаддиларнинг диққат марказидан жой олди. Муҳокамадан сўнг, бу масала ҳам ижобий ечимга эга бўлди, ҳудуд аҳолиси учун давлат хусусий шерикчилик асосида мактабгача таълим муассасаси барпо этилиши режалаштирилди.

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 январь куни ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Пастдарғом туманида "Хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш долзарб вазифа" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Тадбирда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Музаффара АБДИЕВА,** туман бандликка кўмаклашиш маркази, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими масъуллари, уюшмаган ёшлар, хотин-қизлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан Музаффара Абдиева юртимиз аҳолисининг қарийб 55 фоизини ташкил этадиган ёшлар шу юртнинг бойлиги эканлигини, уларнинг қалби ва тафаккурига Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибатни сингдириш зарурлигини таъкидлади.

Хусусан, туманда "Аёллар дафтари"га киритилган 64 нафар хотин-қизлар тадбиркорликнинг турли йўналишлари бўйича қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитилмоқда. Бугунги кунда сертификат олган хотин-қизлардан 8 нафарининг бандлиги таъминланди. "Фурқат" маҳалласида яшовчи фуқаро Моҳинисо Асадова тикувчилик йўналишида, "Шароф Рашидов" маҳалласида яшовчи Асила Тўйчиева иссиқхона йўналишида ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишди.

Тадбир якунида депутат Музаффара Абдиева аҳолининг мурожаатларини тинглади. Аҳолини қийнаган йўлларни таъмирлаш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, мактабгача таълим ташкилоти ташкил этиш, "Лолазор" маҳалласидаги электр энергия симлари ва трансформаторнинг маънан эскирганлиги, уларни янгилаш лозимлиги сингари муаммоларни ечиш йўллари муҳокама этилди.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ:

**Парламент қуйи палатасининг депутати Ойдин АБДУЛЛАЕВА** халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Баҳром Валиев ҳамда "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши аъзолари ҳамкорлигида пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 216-215-мактаблар ҳамда 602 МТМ (мактабгача таълим муассасаси)даги мавжуд ҳолатни ўрганди.

Ўрганишлар жараёнида 216-мактабнинг капитал таъмирга муҳтож эканлиги ойдинлашди. Мактаб директорининг маълум қилишича, мактаб ўтган йили пандемия туфайли капитал таъмирлашдан қолиб кетган ва бу йилда эса давлат дастурига киритилган-киритилмаганлигини тасдиқлай олмади. Депутатлар мактаб ичини кўздан кечиришганида иссиқ сув, ҳожатхона, канализация тизими бутунлай ишдан чиққанлиги, таъминот йўқлиги, дарс ўтилиши учун компьютерлар йўқлиги, спорт зали таъмирталаб эканлиги маълум бўлди.

Шунингдек, яқин ўртада боғча йўқлиги боис мактаб ёшига етган боланинг мактабга тайёрлов сифат кўрсаткичи тушишига сабаб бўлаётганлиги боис яқин ҳудудда МТМ ташкил қилиш таклифи қайд этилди. Ўрганишлардан келиб чиқиб, депутатлар бир неча таклифларни ишлаб чиқишди. Хусусан, хорижий тилларга ихтисослаштирилган лингвистик хоналарни ташкиллаштириш, электрон кутубхона — АРМлар фаолиятини йўлга қўйиш, бунинг учун мактабга керакли мутахассисларни жалб қилиш каби масалалар таклифлар рўйхатидан ўрин олди.

Депутатлар ушбу тумандаги 215-мактабда ҳам бўлди. Мактаб яқинда капитал таъмирдан чиққан бўлиб, барча шароитларга эга эканлиги маълум бўлди. Биргина камчилиги — мактаб стадионини барпо этиш масаласи экан. Бўш ётган майдонни спорт майдончасига айлантириш бўйича депутатлар томонидан тегишли тавсиялар берилди. Шунингдек, кимё-лаборатория хоналарини керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича таклифлар айтилди.



Яшнобод туманидаги Наргиза Зокирова раҳбарлик қилаётган 602-мактабгача таълим муассасасида 300 дан ортиқ ўрни бўлишига қарамай, 8 та гуруҳда 215 та бола тарбияланаётганлиги, тарбиячи ҳамда мудиранинг методик ва педагогик билим ва савиялари талаб даражасида эмаслиги ойдинлашди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун педагогларнинг малакасини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Депутатлар билан учрашувлар, мулоқотларда таклифлар, мурожаатлар кўп бўлди, муаммолар тилга олинди. Хўш, буларнинг қанчаси амалга ошар, бажарилар экан? Буни вақт кўрсатади!

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ:

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Иномжон ҚУДРАТОВ** аҳоли билан ўзаро мулоқот қилиш мақсадида Сирдарё вилоятининг Боёвут туманига ташриф буюрди.

Тумандаги 1-умумтаълим мактабида ўтказилган учрашувда партиянинг туман кенгаши раиси, туман халқ таълими бўлими вакиллари, ўқитувчи ва ота-оналар иштирок этди. Аввалига ўқув масканидаги таълим-тарбия жараёнлари, педагогларнинг дарс ўтиш технологиялари ва ўқувчилар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишган депутат эришилган ютуқлардан ташқари ўз ечимини кутаётган масалалар билан ҳам қизиқди.

Кейинги мулоқот туманнинг «Шодлик» маҳалласидаги 7-сонли МТТда уюштирилди. Туман мактабгача таълим бўлими раҳбари Барно Султонова ҳамроҳлигидаги ўрганишлар жараёнида муассасадаги таълим-тарбия жараёнлари таҳлил этилди. Шунингдек, тарбияланувчиларнинг тўғри овқатланиши билан боғлиқ низомларга амал қилиниши ҳам депутатлик назоратидан четда қолмади. Муассаса ходимлари билан суҳбатларда ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжудлиги аён бўлди. Хусусан, муассасага олиб келувчи йўл таъмирталаб аҳволдалиги қайд этилди. Бу эса болажонлар ва уларнинг ота-оналари билан бир қаторда муассаса ишчи-ходимлари учун қатор ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Депутат Иномжон Қудратов томонидан мазкур масала ечими ҳам назоратга олиниб, тегишли мутасаддилар жалб қилинадиган бўлди.

Туман аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги ишлар салмоғи билан танишиш мақсадида депутат Иномжон Қудратов марказий шифохонага ҳам ташриф буюрди. Депутат томонидан дастлаб мазкур шифохонада партиянинг ташаббуси билан ташкил этилган «ақлли тиббиёт» тизими ўрганиб чиқилди. Электрон тузилма асосида ишлаш талаб этиладиган ушбу тизимда тиббиёт ходимлари учун компьютерлар етишмаётганлиги аниқланди. Шунингдек, интернет тармоғи билан тўла таъминланмаганлиги «ақлли тиббиёт»дан фойдаланишда имкониятларни чеклаб қўяётганлиги маълум қилинди. Яна бир масала, шифокорларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди. Ташхис қўйишда энг муҳим босқич бўлган қон таҳлилларини ўтказиш учун зарур тиббий техникалар ва асбоб-ускуналарга эҳтиёж бор. Шифохонанинг жонлантириш бўлимида ҳам техника ва беморлар учун қўшимча ўринларни ташкил қилишга зарурат туғилмоқда экан. Шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг етишмаслиги ҳам алоҳида тилга олиниб, туманда болалар шифокорига талаб юқори эканлиги ҳал қилиниши зарур бўлган масала сифатида депутатга маълум қилинди.

**Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Муҳаммаджон Валиев ва Гулбаҳор Саидғаниева Қўқон шаҳри ва Бағдод туманида, Дилмурод Исмоилов Давлатобод туманида, Нодира Жонибекова Ховос туманида аҳоли билан мулоқот ва учрашувлар ўтказдилар.**

## Журналист ва ҳаёт

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Наманган вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг бир қатор етакчи нашрлари муҳаррирлари, таниқли ижодкорлар иштирокида шу йил 3-4 февраль кунлари Наманган шаҳрига медиа-тур ташкил этди.

“Журналист ва ҳаёт” лойиҳаси доирасидаги медиа-тур давомида давлатимиз раҳбарининг “Ёшлар форуми”даги нутқи ҳамда шу йил 19 январь кунги маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижросига қаратилган қатор тадбирлар ўтказилди.





# Давлатобод мўъжизаси

Журналист-ижодкорларни Наманган вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Шавкатжон Абдураззоқов қабул қилди. Самимий вазиятда ўтган учрашувда вилоятда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳақида фикр юритилди. Барча жабҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар пировард натижада халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилганлиги таъкидланди. Сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раисининг ўринбосари Холмурод Салимов қабул учун миннатдорчилик билдириб, медиа-турнинг асосий мақсадлари ҳақида гапириб берди.

Ижодкорлар Президент мактабига ташриф буюришди. Нодирабегим номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида вилоят ОАВ вакиллари иштирокида “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда журналист масъулияти” мавзусидаги давра суҳбати ташкил этилди. Қизғин, фикрларга бой, самимий руҳда ўтган мулоқотдан сўнг, бир гуруҳ фаол наманганлик журналистларга уюшма диплом ва совғалари топширилди. Янги нусхадаги аъзолик гувоҳномаларини топшириш маросими ҳам иштирокчиларга кўтаринкилик бағишлади.

Наманган шаҳридаги 5-умумтаълим мактабида ўқувчи-ёшлар маънавиятини юксалтириш ва ижодий-маданий тарғибот таъсирчанлигини ошириш учун ижодкор тарғиботчи сифатида “Мураббий” газетаси муҳаррири Дилбар Ҳайдарова бириктирилган. Меҳмонлар вилоят журналистлари ҳамроҳлигида айнан шу мактабда бўлиб, ёш истеъдодларнинг дастлабки ишлари билан танишдилар. Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган адабий кеча давомида ёш қаламкашлар томонидан тайёрланган деворий газеталар тақдимоти бўлиб ўтди.

Вилоят ёшлар марказининг “Ёшлар медиа марказида”ги қизғин иш жараёнлари, “Ёш журналистлар мактаби” тингловчиларининг яратилган шароитлардан унумли фойдаланишаётгани эътиборли. Медиа марказ раҳбари Темурмалик Воҳидов истиқболли лойиҳалар асосида бошлаб юборилган амалий интилишлар билан таништирди.

Наманган ўзига хос зиёратгоҳлари, меъморий ёдгорликлари, янги қурлишлари билан




ҳам эътиборли. Айниқса, янги ташкил этилган Давлатобод туманида амалга оширилаётган ишлар эътиборга моликлигини медиа-тур қатнашчилари яқиндан ҳис этдилар.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 26-27 июнида Наманганга ташрифи чоғида вилоят маркази таркибида янги маъмурий бирлик — Давлатобод туманини тузиш ғоясини олға сурганди. Бу фикр кенг жамоатчилик томонидан қизғин ва қўллаб-қувватланди. Ўшанда давлатимиз раҳбари: «Наманган шаҳрида бугунги кунда расман 630 минг киши истиқомат қилмоқда, — дея алоҳида қайд қилиб ўтган эди. — Амалда 800 мингдан кўп. Миллиончи шаҳар бўлиш яхши, мана, Самарқанд ҳам бунга интиляпти. Лекин аҳоли сони кўпайган сари шунга яраша ҳал этилиши зарур бўлган масалалар кўлами ҳам ортиб боради. Шу боис Наманган шаҳрида Давлатобод туманини қайта ташкил этиш таклиф қилинмоқда».

Шундан бери ўтган қисқа муддат ичила мазкур ғояни рўёбга чиқариш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Халқ депутатлари Наманган шаҳар ва вилоят Кенгашларининг сессияларида масала депутатлар томонидан кўриб чиқилди ва маъқулланди, Олий Мажлис Сенати ҳам бу борада алоҳида қарор қабул қилди. Орада халқ депутатлари туман Кенгашининг дастлабки сессияси ҳам бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлигининг қурилиш, саноат, алоқа, транспорт ва уй-жой-коммунал хўжалиги котибияти мудири бўлиб ишлаб келган Анваржон Тожимирзаев Давлатобод тумани ҳокими этиб тасдиқланди. Шундан сўнг ҳокимлик ва унинг бўлимларини шакллантириш жараёни бошланди.

— Туманда Наманган иқтисодиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиш имкониятлари мавжуд экан, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ЎзМТРК сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков. — Масалан, “Ифтихор кийим саноат” масъулияти чекланган жамиятини олайлик. У айни пайтда мамлакатимиздаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга ҳозир МЧЖнинг янги қувватлари барпо этилмоқда. Улар ишга туширилса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар ортади. Бу эса даромад кўпаяди, янги иш ўринлари яратилади демакдир.

Худди шундай саноат корхоналари туманда оз эмас. Улар орасида “Наманган тўқимачи”, “Истиқлол текстил дизайн” масъулияти чекланган жамиятларини, “Юксалиш”, “Орзу” ва “Ёшлар” сингари бешта кичик саноат зонасида жойлашган тадбиркорлик субъектларини тилга олиш мумкин. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган “Афсоналар водийси” боғи ҳам туман ҳудудида. Ўрни келганда мана шу истироҳатгоҳ ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Боғ 155 гектар ерда каттаю кичикка бирдай ёқадиган гўша сифатида барпо қилинмоқда. Уни қуриш ва жиҳозлашда ривожланган лавлатлардаги шу сингари иншоотлардан андоза олинган. Тархини Туркиянинг машҳур “Dome+Partners” компанияси чизиб берган.

“Наманган истиқлол боғи” масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилаётган сайилгоҳ Ғирвонсой даҳасига жойлашган. Бу ерда нафақат ҳордиқ чиқариш, балки савдо-харид, миллий ҳунармандчилик тарғиботи учун имкониятлар кўзда тутилган. Асосий иншоот-аквапарк бўлимидаги 16 та ҳавзада худди денгиздаги мисол қулоч отиб чўмилиш, 7 та аттракционда маза қилиб сув ўйинларидан баҳра олиш имконияти мавжуд. Бошқа турдаги ўйин қурилмалари ҳам ўзига хос мазмунга эга. Масалан, баландлиги 68 метрга кўтарилган мегадропга чиққан одам юраги ҳапқиришига қарамай ўзига яраша завқ олади.

“Афсоналар водийси”нинг лойиҳа қиймати 123 миллион АҚШ долларига тенг. Ҳозиргача тематик парк, 2400 ўринли амфитеатр, аквапарк, замонавий шаршара ва мусиқали фаввора, 3 та ресторан, автотураргоҳ битказилди. Навбатдаги иншоотлар қурилиши жадал давом этяпти. 2022 йилга қадар 400 ўринли меҳмонхона, масжид, 110 та виллани фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Мана шундай яна бир ажойиб лойиҳа — ўн саккиз гектар майдонда қад ростлаётган “Namangan Square” мажмуасидир. У вилоятнинг “ҳаво дарвозаси”, яъни Наманган халқаро аэропорти яқинида жойлашган. Унга нисбатан қўлланилаётган “ақлли шаҳар” деган иборанинг ўзига қисқача тушунча берсак.

— Жаҳон миқёсида шаҳарсозлик анъаналарида ўзига хос инқилоб яратган бу тушунчанинг юзага келганига нисбатан кўп бўлгани йўқ, — дейди тажрибали меъмор Одилжон Қодиров. — У ахборот ва коммуникация технологиялари тараққиёти ҳамда шу соҳадаги ютуқларнинг шаҳарсозликда кенг фойдалана бошланганлиги билан боғлиқ. Яъни АКТ ва интернет имкониятлари шаҳарни, айниқса, унинг инфратузилмасини замонавий усулларда бошқаришга йўл очади. Бу эса транспорт, таълимдан тортиб соғлиқни сақлаш ва уй-жой-коммунал хизматгача — ҳамма-ҳаммаси янада юқори ва мукаммал даражага кўтарилади демакдир. Шу туфайли аҳолининг турмуш фаровонлиги кескин ошади, уларнинг барча эҳтиёжлари янада тўларoқ қондирилади. Мазкур лойиҳа “MJ Developers” халқаро қурилиши компанияси томонидан амалга оширилмоқда.

Лойиҳага кўра, “Namangan Square”да 10 минг киши яшайди. Турар-жойлар асосан беш ва тўққиз қаватли бўлади. Шаҳарча аҳолиси кенг, ёруғ ва шинам хонадонларда истиқомат қилади. Улардаги ҳарорат ҳам доим мўътадил — қишда илиқ, ёзда салқин бўлади. Марказда иккита “осмонўпар минора” — 20 қаватли эгизак бинолар ҳам қад ростлайди. Улар нафақат шаҳарчанинг, балки бутун Наманганнинг рамзига айланади.

Ўзбекистон “Адолат” СДП вилоят кенгаши раиси Исроил Жўраевнинг айтишига қараганда, Наманганда халқимизнинг буюк ўтмишини ўзида мужассамлаштирган манзиллар бисёр. Улар орасида қадимий Ахсикент харобалари ва “Чуст маданияти”га доир ашёлар, Косонсойдаги Муғ қалъаси, Поппдаги Мунчоқтепа ёдгорликлари, бошқа кўплаб тарихий меъморий ёдгорликлар бор. “Namangan Square” эса уларнинг мантиқий давоми бўлиб, юртнинг келажакка интилаётганлигини тасдиқлайди, ҳар бир кишининг руҳини кўтаради ва кайфиятини яхшилайди. Шунингдек, “Навбаҳор” стадиони, “Наманган” халқаро аэропорти, бешта меҳмонхона, кўплаб маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатиш объектлари ҳам бор. Қолаверса, йирик инвестициявий лойиҳа — “Namangan city” ҳам айнан Давлатободда амалга оширилади.



Дарвоқе, янги туманнинг ҳудудий чегараси ҳам анчагина катта. Унинг таркибида 25 та маҳалла фуқаролар йиғини, 33850 та хонадон, 421 та кўп қаватли уй, 3 та касб-ҳунар коллежи, 18 та умумтаълим мактаби, 24 та мактабгача таълим муассасаси, 5 та тиббиёт муассасаси, 1280 гектар қишлоқ хўжалиги ерлари, 698 та хизмат кўрсатиш объекти, 429 та саноат корхонаси ҳамда 2 та маданий мерос объекти мавжуд. Туманда ҳозир 149,6 минг киши яшайди. Бу Наманган шаҳри аҳолисининг 23,8 фоизини ташкил этади. Мазкур ҳудуд истиқболда замонавий кўп қаватли уйлар қурилиши ҳисобига урбанизация жараёни жадаллашишига, шунингдек, янги инфратузилма объектлари барпо этилиши ва аҳолига хизмат кўрсатиш тизими янада ривожланишига хизмат қилиши кутилмоқда.

Шу ўринда Давлатободда “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида туманни рақамли трансформация қилиш бўйича лойиҳаларни рўёбга чиқариш кўзда тутилганлигини айтиб ўтиш лозим. Жумладан, бу ерда телекоммуникация инфратузилмаси ва мобиль алоқа тармоқларини ривожлантириш, ижтимоий соҳа объектларида оптик линияли алоқа тармоқлари қуриш лойиҳалари амалга оширилади. Ташқи ёритиш чироқларини бошқаришни автоматлаштирилган ахборот тизими йўлга қўйилади. Бу борада қуёш энергиясидан ҳам кенг фойдаланиш мўлжалланмоқда. Тумандаги мавжуд меҳмонхоналарда “E-Mehmon” ахборот тизими жорий этилган, бу улар оптик толали интернет тармоғига уланган, Wi-Fi ҳудудлари ишлаб турибди.

— Давлатободни ҳамма келажакка юз тутган туман деб таърифлади, — дейди “Қишлоқ ҳаёти” газетаси бош муҳаррири Чори Латипов. — Сафар давомида биз ҳам бунга ишонч ҳосил қилдик. Бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиши ҳисобига икки-уч йилдан кейин у янада кўркам ва чиройли қиёфа касб этиши турган гап. Иқтисодий салоҳияти ҳам кескин ортади. Энг муҳими, аҳоли турмуш фаровонлиги ошади.

***

Мамлакатимизда кейинги йилларда барча жабҳалар қатори таълим соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Албатта, бу борада янги замонавий муассасалар — Президент мактаблари ҳам муҳим роль ўйнайди. Улар эртанги кун учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга пухта замин яратишга даъват этилган.

2019 йил охирларида қад ростлаган Президент мактаби ҳам Давлатобод тумани ҳудудида жойлашган. Ўшанда унинг очилиш маросимида қатнашдик. Ҳамма бу ерда яратилган шарт-шароитлардан мамнун бўлди. Мамлакатдаги дастлабки шундай таълим масканларидан саналмиш мазкур мактабда ёш авлод вакиллари учун чиндан ҳам ажойиб шароитлар яратилган. Кенг, ёруғ ва шинам хоналар, замонавий жиҳозлар, юқори малакали устозлар...

Қисқаси, бу ерда келажак учун хизмат қиладиган барча омиллар муҳайё. Машғулот хоналаридаги электрон доскалар, компьютер мажмуалари, бошқа ахборот-коммуникация технология воситалари таълим жараёнларини юқори даражада ташкил этиш имконини беради. Олти минг номдаги адабиётлар жамланган кутубхона илмсеварлар ихтиёрида. Бўш пайтда спорт залида жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун ҳам шароитлар мавжуд.

Дарвоқе, таълим масканининг раҳбари Абдурасул Пирназаров — партиядошимиз. У уч йилдан бери Ўзбекистон “Адолат” СДП аъзоси. Аввал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим инспекцияси вилоят бўлимига раҳбарлик қилган. Медиа-тур қатнашчилари иштирокида мактабда ўтказилган тадбирда вилоят партия кенгаши раиси И.Жўраев унга кенгашнинг ташаккурномаси ва “Адолат” СДПнинг эсдалик нишонини топширганлиги бежиз эмас.

— Мен партияга киришдан олдин унинг низоми ва Сайловолди дастури билан яқиндан танишгандим, — дейди у. — “Адолат” СДП таълим соҳасида туб ислоҳотлар тарафдори эканлиги менга маъқул тушди. Боз устига ўша пайтдаги фаолиятим партия ғояларига ҳамоҳанг эди. Ҳозир ҳам шундай. Мамлакатнинг келажагини таъминлайдиган ёшларни тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшаётганимдан бениҳоя мамнунман.



Шу ўринда Абдурасулнинг ўзи ҳақида икки оғиз сўз. У Косонсой туманининг Қўқимбой қишлоғида туғилган. Мактабни битиргач, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтига ўқишга кирган. Бу ерда бакалавриат ва магистратурани тугатгач, Стокгольмдаги Швеция Қироллик технология институтининг докторантурасига ҳужжат топширган. Дунёга машҳур олий ўқув юртларидан бирида таҳсил олганидан ҳозиргача фахрланади.

Бунда инглизчани пухта билганлиги қўл келди, албатта. У ерда қўшимча равишда швед тилини ҳам ўрганди. Илмий иш билан шуғулланиш жараёнида Осиё, Африка ва Америкадаги қатор мамлакатларда хизмат сафарларида ҳам бўлди. Ниҳоят, диссертацияни ёқлаб, техника фанлари бўйича фалсафа доктори даражасига эга бўлди ва юртимизга қайтиб келди. Ўзи ўқиган Наманган муҳандислик-технология институтида кафедра мудири бўлиб ишлади. Юқорида айтилганидай, бир муддат таълим инспекциясида ҳам фаолият кўрсатди.

Эътиборли жиҳати — Президент мактабида олдиндан мураккаб вазифаларни ҳал қила оладиган педагоглар жамоасини шакллантириш масаласи кун тартибига қўйилган эди. Бу иш билан жаҳонда танилган «Teachaway» (Канада) ва «TIC Recruitment» (Буюк Британия) рекрутинг компаниялари шуғулланди. Танлов асосида 11 нафар хорижлик ўқитувчилар қабул қилинди.

Америкалик Кенебрю Леонард Даррйл — уларнинг бири. У Иллинойс штатида туғилган, Рузвельт университетини таълимни бошқариш ихтисоси бўйича битирган. Ўз вақтида АҚШда ва қатор бошқа мамлакатларда ўқитувчи, мактаб директори бўлиб ишлаган. Шуни ҳисобга олиб, яқинда уни Президент мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари вазифасига тайинлашди.

Президент мактабида маҳаллий ўқитувчилар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Мана, ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси Нигора Қўчқорованни олайлик. У Учқўрғон туманидаги 13-умумтаълим мактабида қарийб йигирма йил дарс берган, олий тоифали ўқитувчи. Шогирдлари орасидан фан олимпиадаларининг туман, вилоят, мамлакат босқичлари ғолиб ҳамда совриндорлари жуда кўплаб етишиб чиққан. Бу эса, албатта, устознинг юксак педагогик маҳорат эгаси эканлигидан далолат. Бошқа педагоглар ҳақида ҳам ана шундай илиқ фикрларни айтишмумкин.

Вақт — худди дарё каби югурик. Бир неча йилдан сўнг ҳозир Президент мактабида таҳсил олаётган ўғил-қизлар мустақил ҳаётга қадам қўядилар. Ҳеч шубҳасиз, улар олий таълим муассасаларида мамлакат учун энг керакли мутахассисликларни эгаллайдилар ва самарали меҳнатлари билан Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшадилар.



**Ислом ҲАМРОЕВ,**
**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
**медиа-тур иштирокчилари**

ADOLAT 5
6-son 2021-yil 5-fevral

# ТЕЛЕТИББИЁТ — соғлиқни сақлашнинг янги соҳаси

Илм-фан ва тараққиёт

Телетиббиёт инновацион янгилик сифатида тиббиёт соҳасига дунё миқёсида XX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб кириб келди. XXI асрдан бошлаб тиббиёт соҳасида кенг қўлланила бошланди. Бугунги кунда Ер юзидаги ривожланган, тараққиёти юксак мамлакатларда телетиббиётдан самарали фойдаланилмоқда. Хўш, аслида телетиббиёт нима ва ундан қандай мақсадларда фойдаланилади?




Телетиббиёт тиббиётнинг бир қисми бўлиб, унинг мақсади халққа масофадан туриб тиббий хизмат кўрсатишдан ва тиббиёт ходимларининг телекоммуникация, интернет технологиялари (IoT — Internet of things) ёрдамида ўзаро ҳамкорликларини ўрнатиб, соғлиқни сақлаш соҳасида янгиликларни ҳаётга кенг жорий қилишдан иборат. Телетиббиётнинг ривожланиши билан инсон тиббий мутахассислар, шифокорлар билан онлайн тарзда мулоқотга киришиб, вақти ва кучини тежаш имконига эга бўлади. Бу, бир томондан, йирик шаҳарларда яшайдиган, соғлиги ҳақида ўйлашга вақти етмайдиганлар ёки шифокорлар ҳузурида узундан-узоқ навбатларда туришни истамайдиганлар, кексалар, беморлар учун қулайлик туғдиради. Иккинчи томондан, телетиббиёт технологиялари қишлоқларда, чекка масканларда, тоғли ҳудудларда яшайдиган аҳолининг шаҳарларда фаолият юритаётган юксак малакали тиббиёт ходимлари, шифокорлар билан маслаҳатлашиб муолажа олишлари учун имконият яратади.

Телетиббиёт хизмат кўрсатиш нуқтаи назардан бир неча турларга бўлинади.

**Биринчиси,** телетиббиёт технологиялари ёрдамида шифокорларнинг беморлар билан реал вақтда ишлаш тизими. Реал вақтда ишлаш тизимида алоқа ҳар қандай масофадан туриб амалга оширилиши мумкин. Бунда шифокор ва бемор махсус тиббий ускуналар, шу билан бирга видеоконференция алоқа тизими ёрдамида ўзаро боғланади. Боғланганидан кейин улар нафақат бир-бирларини кўрадилар ва эшитадилар, балки матн ва график маълумотларни (ЭКГ, ультратовуш маълумотлари, рентген тасвирлари, тери, қулоқ, томоқ, буруннинг ички соҳаси фото ва видеотасвирларини ва б.) реал вақтда алмашиш имкониятига ҳам эга бўладилар. Масалан, бемор экранда ўзининг ички органларининг рентген тасвири ва бошқа ҳолатларни ҳам кўриши мумкин.

**Иккинчиси,** беморнинг ҳолатини олисдан туриб мониторинг қилиш. Бу телетиббиётнинг энг оммабоп тури ҳисобланади. Бу тур аксарият ҳолларда яқин атрофдаги поликлиникаларга боролмайдиган ёки ўз соғлигини ўзи идрок қилиши қийин бўлган кекса одамларни назорат қилишда қўлланилади. Унга беморларнинг дориларни ўз вақтида қабул қилишини эслатиб турувчи сервис хизмати ҳам киритилган. Бундан ташқари, олисдан туриб амалга ошириладиган мониторинг ҳавфлилик даражаси мавжуд бўлган ишлаб чиқаришда фаолият юритадиган ходимларнинг ҳолатларини кузатишга, мижозларнинг саломатлигини назорат қилиш учун доимий таҳлил ишларини олиб боришга хизмат қилади. Буларнинг бари интернет ёрдамида амалга оширилади. Яъни, мижозларнинг аксарияти қўлларига тақиб юрадиган қон босимини, қондаги қанд миқдорини, юрак уришини ўлчайдиган, саломатлик даражасини кўрсатадиган фитнес-текерлар орқали келадиган маълумотлар мониторинг тизимининг махсус архивида тўпланади. Бу ерда улар яна қайтадан таҳлил қилинади ва саломатлик борасида бирор-бир хавф туғилса, мижозга ҳамда унинг даволовчи шифокорига огоҳлантирувчи сигнал юборилади.

**Учинчидан,** шифокорлар бир-бирлари билан телетиббиёт технологиялари ёрдамида тезкор равишда ўзаро маслаҳатлашиш имкониятларига эга бўладилар. Маълумки, бирор-бир фавқулодда воқеа рўй берганида шифокорларнинг ўзлари ҳам бошқа йўналишдаги юксак малакали тиббиёт мутахассисининг ёрдамига муҳтожлик сезади. Агар ана шундай юксак малакали тиббиёт мутахассиси яқинингизда бўлмаса (бундай аҳвол аксарият ҳолларда қишлоқлардаги, туманлардаги шифохоналарда юзага келади), ушбу ҳолатдан чиқишнинг ягона йўли ниҳоятда тажрибали ҳамкасбингиз билан видеоалоқа орқали боғланиш ҳисобланади. Бундан ташқари, шифокорлар беморларининг касаллик тарихи билан бир-бирларини таништириш учун телетиббиёт технологиялари орқали уларнинг соғлиқлари ҳақида барча маълумотларни юборишлари мумкин.

**Тўртинчидан,** жарроҳлик операцияларини тўғридан-тўғри кўрсатиш ёки операцияларни масофадан туриб амалга ошириши жараёнида бошқа манзилларда жойлашган шифокорлар ўзларини қизиқтирган саволларга етарли жавоб олишлари мумкин. Тиббиёт ходимларини масофадан туриб ўқитиш, онлайн режимида конференциялар, маърузалар уюштириш ҳам телетиббиётнинг афзалликларидан бири ҳисобланади.

Телетиббиёт технологиялари шундай қулайликларга эга экан, хўш, улардан тиббиётнинг қайси соҳаларида, йўналишларида фойдаланиш мумкин? Улардан тиббиёт соҳасидаги ҳамма касалликларни даволашда фойдаланиш имконияти бор. Масалан, педиатрия йўналишида фойдаланганда болани шифокор ҳузурига



олиб боришга зарурат қолмайди. Психотерапевтлар эса беморларига онлайн тарзда психологик таъсир кўрсатишлари мумкин. Дерматологлар телетиббиётда тасвир тиниқлиги сабабли мижозларнинг қандай касаликка чалинганини бемалол айта оладилар. Асаб касалликлари шифокорлари экран орқали мижозларининг қон босими ва танасининг бошқа таҳлилларига таянган ҳолда уларнинг хасталигига сабаб бўлган омилларни бемалол аниқлайдилар. Юрак-қон томир касаллиги билан шуғулланадиган шифокорлар беморнинг уйига бормасдан экран орқали унинг соғлигини тиклашга ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

Телетиббиётнинг афзаллик томонларидан яна бири шундаки, касалга чалинган одамлар бир пайтнинг ўзида фақат битта шифокорнинг эмас, бир неча шифокорнинг хасталик ҳақидаги, уни қандай соғайтириш хусусидаги мулоҳазаларини эшитиш имкониятига эга бўладилар. Бунда хасталанган инсон ўзи ҳақидаги, хасталиги ҳақидаги маълумотларни телетиббиёт технологиясига жойлаштирса бас! Чунки аксарият касаллар, айниқса, ўсма хасталигига чалинганлар бир эмас, икки-уч шифокорнинг фикрини эшитиш учун нафақат бир шаҳардан иккинчи шаҳарга, балки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга боришга ҳам мажбур бўладилар. Телетиббиёт ана шундай жараёнда ўша беморларнинг оғирини енгил қила олади.

Телетиббиёт технологиялари бирор жойда аҳоли табиий офатлар — зилзила, сув тошқини, довул, ёнғин ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар туфайли қийинчиликларга дучор бўлса ҳам яқиндан ёрдамга келади. Табиий офатдан оғир жароҳат олганларни даволашда етук шифокорлар телетиббиёт орқали маслаҳатлар берадилар. Касалларни, жароҳат олганларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб юришга зарурат қолмайди. Ёки тождор вирус пандемияси даврида ҳам ривожланган мамлакатларда касалликни аниқлаш, даволаш, кузатиб бориш жараёнларида телетиббиёт технологияларидан унумли фойдаланилди. Бу технологиялар, айниқса, карантин эълон қилинган шароитда ниҳоятда қўл келди.

Кейинги йилларда баъзи давлатларда телетиббиёт технологияларини кенг қўллаш мақсадида масофавий тиббиёт пунктларини ташкил этишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Масалан, Америка Қўшма Штатларидаги "Walmart" компанияси ўзига қарашли дўконларда мижозларнинг шифокорлар билан масофавий алоқа қилишлари учун компьютерлардан фойдаланиш тизимини яратган. Бундай ҳолатда мижозлар бирор-бир телетиббиёт технологиялари мавжуд марказга эмас, дўконга кириб ҳам ўзи ҳақидаги маълумотларни шифокорга жўнатиб, ундан етарлича маслаҳат олиши мумкин.

Албатта, телетиббиёт технологияларининг ва улардан фойдаланишнинг ўзига яраша муаммолари, мураккабликлари ҳам бор. Аввало, телетиббиёт технологиялари ўз бағрида кўплаб инсонларнинг соғлиқлари билан боғлиқ маълумотларни сақлайдиган тизим сифатида хакерларнинг бузғунчилик хуружига учраши мумкин. Хакерлар, яъни, замонавий техника жиноятчилари телетиббиёт бағридаги ноёб маълумотларни онлайн тарзда ўғирлашга уриниш эҳтимоллари мавжуд. Иккинчидан, телетиббиёт тизимида фаолият юритадиган фойдаланувчилар бу тизимни мукаммал билишлари ва ишлата олишлари керак. Учинчидан, телетиббиёт технологияларини ҳудудларга, олис масканларга, чекка жойларга ўрнатиш учун у ерда юқори тезликдаги интернет алоқасининг мавжуд бўлиши талаб қилинади. Чунки бу технологиялар қатъий талаблар асосида ўрнатилиши ва тасвирларни юксак даражада акс эттириши керак. Буларнинг барчаси маблағ билан бевосита боғлиқ.

Лекин ана шундай мураккабликларга, муаммоларга қарамасдан телетиббиётдан фойдаланувчилар кейинги йилларда дунёнинг ривожланган мамлакатларида ва тараққиёт йўлига қадам қўйган давлатларида кучайиб бормоқда. Чунки дунёдаги кўплаб таниқли шифокорлар, тиббиётчи олимлар телетиббиёт орқали мулоқот, даволаш йўлларини тутганлар. Айни пайтда, поликлиникалар, шифохоналар ва тиббиёт соҳасидаги бошқа муассасалар ҳам компьютерлашган тизимга ўтмоқда. Бу эса ўз-ўзидан келгусида телетиббиёт тизимига ўтишга олиб келади. Телетиббиёт тизими шифокорлар, тиббий олимларнинг нафақат бир мамлакат, балки халқаро миқёсда ҳамкорликларига йўл очиб беради. Буларнинг ҳаммаси ушбу соҳанинг истиқболи порлоқ эканлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда ҳам телетиббиёт тизимини яратишда дастлабки қадамлар қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-19 йилларда Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида Мўйноқ туманида замонавий инновацион клиника қуриш таклифи билдириб ўтилган эди. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ушбу клиникани ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлди. Дастлаб туман ҳокимлиги томонидан ажратилган ер майдонида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Мўйноқни ривожлантириш махсус бошқармаси билан ҳамкорликда мазкур клиника биноси қурилди. Кейин клиникага АҚШнинг "AMD Global Telemedicine" компанияси билан ҳамкорликда телетиббиёт технологияларига доир барча керакли ускуналар ўрнатилди.

Телетиббиёт технологияларига асосланган бу клиникани барпо этишдан мақсад мўйноқликлар мисолида Ўзбекистонда илк бор чекка ҳудудларда жойлашган аҳолини республика марказидаги малакали шифокорлар ва дунёнинг исталган нуқтасидаги тиббиёт муассасаларидаги мутахассислар билан реал вақт оралиғида ишлаш тизими орқали онлайн боғлаб тиббий кўрикдан ўтказиш, сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш, терапевтик даво маслаҳатларини олиш эди.

— Бу ишларни амалга ошириш учун Мўйноқдаги "Инновацион телетиббиёт клиникаси"да барча керакли технологиялар ўрнатилди, **— дейди Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдураҳмонов.** — Шу билан бирга клиникага Халқаро молекуляр аллергология маркази томонидан берилган VPPS-2010 гул чанги қопқони ҳамда физиотерапевтик муолажалар учун мўлжалланган "Nuga Best" кровати ва оёқ учун массажер каби янги техник аппаратлар ҳам берилди. Мўйноқ инновацион клиникаси ҳамда Тошкентдаги марказий тиббиёт муассасалари билан телетиббиёт тиббий маслаҳат бериш алоқаси ўрнатилди. Натижада шифокорлар беморларни реал вақтда масофадан туриб видеотасвирини кўрибгина қолмай, унинг ички органларидаги ўзгаришларни (ультратовуш аппарати), тери қопламини (дермаскоп), қулоқ касалликларини (отоскоп), қон-томир касалликларини (қон-томирлар ультратовуш аппарати) юрак қон-томир касалликларини (стетоскоп, тонометр, пульсоксиметр, ЭКГ, ҳаётий муҳим аъзолар назорат ускунаси), кўз касалликларини (офтальмоскоп) ва бошқа жиҳозлар ёрдамида сифат жиҳатидан ниҳоятда юксак даражада текшириш, ташхис қўйиш ва терапевтик даво ўтказиш имконияти пайдо бўлди.

— Ниҳоят, 2020 йилнинг 17 июлида вазирлигимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази билан ҳамкорликда мамлакатимизда илк бор реал вақтдаги телетиббиёт амалиётига старт берилди, **— дейди Инновацион ривожланиш вазирлиги Таълим ва соғлиқни сақлашга инновацияларни жорий қилиш ҳамда тадқиқ этиш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Бахтинур Худанов.** — Ўша куни Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг профессорлари ва малакали шифокорлари Мўйноқ туманидаги 18 ёшгача бўлган сурункали касалликлари мавжуд ёшларни реал вақтда масофадан тиббий кўрикдан ўтказдилар. Тиббий кўрик жараёнида болалар, ёшлар текширилиб, уларга мақбул даво чоралари кўрилди. Энг муҳими, ўша куни юртимизда инновацион янгилик — реал вақтдаги телетиббиёт учун йўл очилди ва беморларнинг даво истаб марказларга ҳамда бошқа мамлакатларга боришлари, вақт, маблағ сарфлашлари учун ҳожат қолмади. Биз учун қувончлиси, мамлакатимизда инновацион телетиббиёт пайдо бўлди, уни янада ривожлантириш истиқболлари очилди.

— Инновацион телетиббиёт клиникасига янги аппаратлар, технологияларнинг ўрнатилиши унинг фаолият доирасини янада кенгайтиради, демак, бу ерда аксарият касалликлар учун масофавий тарзда маслаҳатлашиш, ташхис қўйиш, даволаш учун яна қўшимча имкониятлар туғилади, **— дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Мўйноқни ривожлантириш махсус бошқармаси мутахассиси Мэлс Қўсназаров.** — Шу билан бирга бу телетиббиёт клиникаси нафақат мўйноқликларни, балки бутун қорақалпоғистонликларни онлайн тарзда Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги, давлатлардаги тиббиёт муассасалари билан боғлайдиган марказга айланади. Айни пайтда, Қорақалпоғистондаги барча соғлиқни сақлаш муассасалари тиббий маслаҳат бўйича ушбу клиникага боғланадилар. Бошқача айтганда, шу пайтгача телетиббиётни хориждаги юксак тараққий этган давлатларда қарор топган, лекин биз учун орзудаги мўъжиза деб юрардик. Мана, энди у ҳаётимизнинг реал мўъжизасига айланди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда табобат соҳасини ривожлантиришга, бу соҳани рақамлаштиришга, уни замонавий технологиялар билан таъминлашга, телетиббиётни кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Республикамиз Президенти Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасида бу хусусда тўхталиб, "Пандемия сабоқларидан келиб чиққан ҳолда тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўлами янада кенгайтирилади. Жумладан, барча тиббиёт муассасаларида масофавий хизматларни кўпайтириш, поликлиника ва касалхоналарни электрон иш юритишга ўтказиш чоралари кўрилади. Шунингдек, республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телетиббиёт йўлга қўйилиб, диагностика ва даволаш учун жойлардаги имкониятлар янада кенгайтирилади", дея ушбу йўналишда қилинадиган ишларни белгилаб берди. Демак, телетиббиёт юртимизда янада ривож топади ва халқимиз соғлиғини сақлашда табобатнинг асосий йўналишларидан бирига айланади.

**Камол МАТЁҚУБОВ**

---

# "БОЛА ПУЛИ"ни сўрашдан чарчадим...

1-БЕТ

*"Мен, Раимбердиева Дилноза 1989 йилда туғилганман. Ишсизман. Турмуш ўртоғим 2-гуруҳ ногирони. 1 нафар фарзандимиз 2020 йил 23 мартда дунёга келди. 2020 йилнинг ноябрь ойида ўғлимга 2 ёшгача бола учун бериладиган ёрдам пулини олиш учун керакли ҳужжатларни тўплаб, маҳалламизга топширдим. 10 кундан сўнг рад этилди, деган жавоб келди. Мен совуқда ўғлимни кўтариб, Пенсия жамғармасига бордим. Жамғарма ходимлари "Номингизда 1 та кўчмас мулк бор экан, базамизда шундай чиқаяпти. Шунга рад этилди", деб айтишди. 2020 йил 14 декабрда яна ҳужжатларимни йиғиб, топширдим. Ундан кейин ҳам рад этилди.*

*Шундан сўнг Хатирчи туманидаги Халқ қабулхонасига ариза ёзиб бердим. Улар кўриб чиқиб, кадастр ишчиларига ишимни ҳал қилишни топширишибди. Кадастрдагиларга катта раҳмат. Менга кадастрда ишлайдиган Элнур деган ходим қўнғироқ қилиб, ишхонасига чақиртирди ва бордим. Ҳақиқатан ҳам, номимда кўчмас мулк йўқлигини тасдиқловчи маълумотнома ёзиб беришди.*

*Мен у маълумотномани олиб, Пенсия жамғармасига бордим. У ердаги ходим "У маълумотнома ўтмайди, мен ҳал қила олмайман. Сизни ишингизни республикага юборганман. Шунинг жавобини кутаяпман" деб, маълумотномани ўқиб ҳам кўрмади.*

*Менинг номимда ҳеч қандай кўчмас мулк йўқ. Турмуш ўртоғимнинг қарамоғида яшайман. 1 та кўчмас мулкимиз бор. У ҳам бўлса, хўжайинимнинг номида.*

*3 ойдан буён совуқда, ёш болам билан сарсон-саргардон бўлиб юрибман. "Отангга бор, онангга бор" деб, ишимни ҳал қилиб беришмаяпти. Республика ҳал қилади, дейишаяпти. 2 ёшгача бола парвариши учун бериладиган нафақа пулимни чиқариб беришларини сўраб, яна кимдан ёрдам сўрашим керак, ахир?*

Илтимос, шу масалада амалий кўмак беришингизни сўрайман."




**ТАҲРИРИЯТДАН:**

Ушбу мурожаатчининг аризасини тегишли ташкилотлар ўрганиб, ўз хулосасини билдириб ўтиши, масалани ижобий ҳал қилишига умид қилган ҳолда яна бир фикримизни билдириб ўтишни жоиз деб билдик.

Биз, аввал ҳам бу мавзуда мақолалар, чиқишлар тайёрлаганмиз. Мурожаатчи синглимизнинг ташвиши кўпгина ёш оналарга таниш, десак муболаға бўлмайди. Бола, айниқса, 2 ёшгача бўлган даврда онанинг парваришига катта эҳтиёж сезади. Ушбу жараёнда ёш онага ҳам, болага ҳам алоҳида кўмак берувчилар керак бўлади. Қолаверса, тагликдан тортиб, болалар бўтқаларини она пулга сотиб олиши керак. Муайян муддат давомида даромад топа олмаган ёш она, табиийки, турмуш ўртоғининг маоши ёки қайнона-қайнотасининг пенсиясига кун кўришга мажбур бўлмоқда. Шу боис 2 ёшгача бола парвариши учун ажратиладиган нафақа пуллари оилавий шароити ёки бошқа имкониятларидан қатъи назар барча оналарга берилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Зотан, гўдакнинг озуқасию ривожланишидан "қийилган" бюджет маблағларининг катта қисми кўзини чирт юммай, ўзлаштираётган айрим "нафсига қул бўлган" амалдорларимиз томонидан талон-тарож қилинаётгани янада ачинарлидир.

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига

**“Рақам” ва “роқим” сўзлари ўқувчига мавҳумдек туюлар. Бироқ бу сўзлар мумтоз адабиёт тадқиқотчиларига яхши таниш. Рақам – ёзилган (матн), роқим эса ёзувчи, яъни муаллифдир.**

# РАҚАМ ВА РОҚИМ

## ёхуд “Мажолис ул-ушшоқ” тазкираси муаллифи хусусида



“Мажолис ул-ушшоқ” (Ошиқлар мажлиси) — Ҳазрат Алишер Навоий вафотидан кейин юзага келган дастлабки мукаммал форсий тазкиралардан бири ҳисобланади. Унда шарқ тазкиранавислик анъанасига тўла-тўкис амал қилинган бўлиб, мажмуада Ҳазрат Имом Жаъфар Содиқ разияллоҳу анҳудан тортиб, то Султон Ҳусайн Бойқарогача қатор шайхлар, дин ва давлат арбоблари, тариқат аҳли, шоир ва ёзувчилар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Тазкиранинг 75-мажлиси Алишер Навоий, 79-фиқраси эса Ҳусайн Бойқаронинг ижодий-ижтимоий фаолиятига бағишланган. Бу асар қанча таъриф-тафсилотларга бой бўлмасин, унинг муаллифи кимлиги ҳақидаги баҳслар ўтган асрнинг 90-йилларидан ҳанузгача давом этиб келмоқда. Баъзи олимлар асарни Ҳусайн Бойқарога, айримлари Камолиддин Ҳусайн Фаноийга, яна бир қатор олимлар эса Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳийга (Гозургоний дегувчилар ҳам бор) нисбат берадилар. Жумладан, профессор Шуҳрат Сирожиддинов “Тазкираларда Навоий ёди” мақоласида “Ҳусайн Бойқаронинг “Мажолис ул-ушшоқ” тазкирасида ҳам Алишер Навоий ҳаётига оид баъзи маълумотлар мавжуд”, дейди. Шу билан бирга ҳаволада “Ушбу асарнинг муаллифи ҳақида аниқ тўхтамга келингани йўқ. Баъзилар “Бобурнома”га асосланиб, у Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳийнинг асари бўлиб, Ҳусайн Бойқаронинг номидан ёзилган дейишади. (Е.Бертельснинг машҳур “Навоий ва Жомий” номли тадқиқоти назарда тутилган — А.П.) Бизнингча, асар Ҳусайн Бойқаро томонидан ёзилган бўлиб, Ҳусайн Гозургоҳий томонидан муҳаррирлик қилинган” деган фикр келтирилади. Мақола давомида навоийшунос ушбу қўлёзманинг тўрт нусхасидан фойдаланганини қайд этиб, иккинчи ҳаволада “Ҳусайн Бойқаро” деб ёзилган қўлёзманинг бири Ўз ФА ШИда 3476 рақами остида сақланаётганини таъкидлайди. Шунингдек, домла тазкира муаллифини Навоий билан “ишқ мактабида ҳамсабақ эканлигини, давлат ва ҳукумат ишларида мунису ҳамдард” бўлганини қўлёзма асосида қайд этади.

Шуҳрат Сирожиддинов — синчков олим. У ишончли манбага суянгани учун юқоридаги фикрни дарж этган. Аммо бу ўринда бошқа бир фикрни айтсак, тўғри бўладими, дейман. Яъни, тазкирани Гозургоҳий ёзиб, Бойқаро таҳрир қилган бўлиши керак. Бунга қуйидагиларни далил сифатида кўрсатиш мумкин. Биринчиси, қўлёзма муқовасида “Ҳусайн Бойқаро” деб ёзилгани асарнинг ўша ҳукмдор тахтда турган пайтда ёзилганини ва султон саройига тортиқ этилганини кўрсатади. Иккинчиси, Ҳусайн Бойқаронинг зукко таҳрирчи эканлиги тарихдан маълум. Хусусан, ҳукмдорнинг дўсти Алишер Навоий қаламига мансуб йирик куллиётнинг барча девонларини муборак назаридан ўтказгани, аниқроғи, таҳрир қилгани шу фикрни исботлайди. Боз устига Ҳусайн Бойқаро меросини ўрганган бир неча тарихчи ва адабиётшунос олимлар подшоҳдан бир “Рисола” ва “Девон” бизгача сақланганини айтадилар. Хулоса шуки, Ҳусайн Бойқаро тазкира ёзганида, уни “Бобурнома” муаллифи аниқ қайд этган бўлур эди. Бундан ташқари, тазкиранинг охирги фиқраси Ҳусайнийга бағишланган бўлиб, у учинчи шахс — роқим тилидан ёзилган.

Бизни қизиқтирган навбатдаги муаммо профессор Ҳамиджон Ҳомидийнинг “Фаноий ва Пурёрвали” мақоласида кўзга ташланади. Олим ўн бешинчи асргача юзага келган маноқиб ва тазкираларнинг илмий-амалий аҳамиятидан сўз очиб, жумладан, “Шоир ва адабиётшунос Камолиддин Ҳусайн Фаноийнинг “Мажолис ул-ушшоқ” китобини ҳам ана шу туркумга кирадиган асарлардан ҳисобланади”, деб ёзади. Олимни тазкирадаги Паҳлавон Маҳмуд номи билан боғлиқ маълумот-ҳикоятлар қизиқтиргани учун шу масалага кўпроқ эътибор қаратган.

Унутмаслик лозимки, профессор Ҳамиджон Ҳомидий мазкур мақоласида тазкира ҳақида нисбатан кенг ва батафсил маълумот беради. Унинг фикрича, тазкира муаллифи улуғ Алишер Навоий билан “дабистон (бошланғич мактаб — А.П.)да ҳамсабақ” бўлган, тазкирани “Ҳусайн Бойқаронинг бевосита таҳрири остида” яратган экан. Дарвоқе, Ҳусайн Фаноий ҳақида “Мажолис ун-нафоис”даги “Мавлоно Фаноий ҳам машҳадлиғдур” деган маълумот ҳам олимнинг назаридан четда қолмаган. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”нинг 3-бобида шу гапдан сўнг шоирнинг биргина форсий байтини келтиради, холос. Агар Фаноий Навоий билан болалигида ҳамсабоқ бўлганида, улуғ шоир буни айтиши лозим эмасмиди?! Мақола давомида олим Ҳусайн Фаноийнинг Паҳлавон Маҳмуд билан айтишув-мушоирасига ҳам диққатни тортиб, баъзи маснавийларда тазкиранавис тахаллуси аниқ кўрсатилганини айтади. Шу китоб мундарижасидан ўрин олган, афтидан, анча илгари ёзилган Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги “Паҳлавон ва шоир” ҳамда Мавлоно Фахриддин Али Сафий ҳақидаги “Зариф ҳикоятлар устаси” мақоласида ҳам олим тазкира номини сал ўзгача — “Мажолисун-ошиқин” шаклида айтади, аммо муаллифини тилга олмайди. Шунингдек, олим тазкиранинг қўлёзма ва даврий нашрлари ҳақида маълумот беради, бироқ улардан бирортасининг аниқ манбасини келтирмайди. Шу боис олим суянган манбалар китобхон учун мавҳум бўлиб қолаверади. Аммо адабиётшунос олим мулоҳазаларини ўқиб, Гозургоҳийнинг иккинчи тахаллуси “Фаноий” эмасмикин, деган хаёлга борасиз.

Мумтоз адабиётимизнинг тадқиқотчиси, филология фанлари номзоди Эргаш Очиловнинг Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги “Футувват аҳлининг пешвоси” мақоласида рубоийнавис шоир ҳақида маълумот берувчи қатор манбалар, тазкира ва тарихий асарлар, ҳатто луғат ва маноқиблар, шунингдек, шоир ижодини ўрганган барча ўзбек олимларининг тадқиқот-мақолалари ҳақида батафсил маълумот берилади. Шулар қаторида олим биз баҳс этаётган тазкирадан ҳам қарийб ярим саҳифа иқтибос келтиради ва ҳаволада қуйидаги маълумотни беради: Амир Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий. Мажолис ул-ушшоқ (Тазкираи урафо). Чопи дуввум. Теҳрон, 1376 (ҳижрий-шамсий).

Бу маълумот икки жиҳати билан характерланади. Бири — олим тазкиранавис исми олдидан “амир” сўзини келтиради. Бундан шуни илғаш мумкинки, Ҳусайн Гозургоҳий Ҳусайн Бойқаро саройининг энг яқин кишиларидан бири, эҳтимол, бирор-бир мансаб эгаси бўлган бўлиши мумкин. Иккинчиси, манба хорижда — Теҳронда нашр этилган. Эргаш Очилов кўчирмаси ўзбек тилида ёзилган. Демак, уни олимнинг ўзи таржима қилган.

Таъкидлаш ўринлики, Эргаш Очилов иқтибоси профессор Ҳамиджон Ҳомидий кўчирмаси билан ғоят муштарак хусусиятга эга. Демак, Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлигининг сўнгги палласида юзага келган “Мажолис ул-ушшоқ” тазкирасининг муаллифи Амир Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий деб хулоса қилсак, тарихий адолат юзага чиққан бўлади.

**Абдураҳмон ПИРИМҚУЛОВ,**
**филология фанлари номзоди,**
**Ислом Каримов номидаги ТДТУ Олмалиқ филиали илмий Кенгаши котиби**

Маънавият

Қўшниларнинг турли тоифалари бўлади. Бири раҳмдил инсонлар, яна бошқаси ҳасадгўй, яна бирлари эса...

Ҳозир улар ҳақида эмас, балки қўшничиликнинг олий қадрият экани, ота-боболаримиз бу қадриятни асрлар бўйи эъзозлаганликлари хусусида сўз юритмоқчиман.

# СИЗ ЯХШИ ҚЎШНИМИСИЗ?

Бир танишим ҳикоя қилади. “Болалигимни яхши эслайман. Бир девор жўжабирдай болали қўшнимизнинг топгани қоровулчилик ва томорқасидан бўлганлиги учун ота-онам қўшнини ўчоғидан тутун кўтарилмагунча хотиржам бўлмас эди. Онамга: “Онаси палов қил, гўштни кўпроқ сол, қўшнига ҳам узатиб қўясан” дердилар.

Отамнинг ҳар куни қўшнининг ҳолидан бу қадар хабардор туриши бизни оғринтирар ҳам эди. Энди билсам, отам қўшни гўштсиз овқат еганида ўзининг тансиқ таом истеъмол қилишга виждони йўл қўймаган экан. Йиллар ўтиб, ўша қўшнининг жўжабирдай болалари катта бўлишди. Ҳар бири ҳаётда ўз йўлини топди. Аммо улар бизни кўрса, қўлларини кўксиларига қўйиб салом беришади, қадрдонларини кўргандай севинишарди. Ҳозир анча кексайиб қолган онамни ёнига кириб дуоларини олишади. Отам вафот этганида ҳам биз билан елкама-елка туришди. Бу, албатта, отам боғлаган қўшничилик риштасининг оқибати.

Бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Кеч куз эди. Эрталаб турсам, отам бир ой аввал сотиб олиб берган сариқ ботинкамнинг бир пойи йўқ. Отам: “Ташқарида қолдирибсан, итлар олиб кетган кўринади” дедилар.

Мен хафа бўлдим ва бир пой ботинкамни омборхонага ирқитдим, бошқа нима ҳам қилардим. Аммо, бир куни қўшнимизнинг мендан бир синф юқорида ўқийдиган ўғлида ўзимнинг ботинкамни кўргандай бўлдим! Келибоқ омборхонага югурдим, аммо бир пой ботинкани тополмадим. Бўлиб ўтган воқеани отамга айтдим, отам “Ҳа, эсладим, ўша боланинг тоғаси ҳам бозорда худди сеникидай ботинка сотиб олганини кўрган эдим”, дея, менинг гумонларимни тумандай тарқатиб юбордилар.

Йиллар ўтиб, шу воқеага доир сирни очдилар. Отам қўшнининг ўғлини йиртиқ пойабзалда мактабга қатнаётганини кўриб, менинг яп-янги ботинкам, билан боғлиқ ўша ёлғонни ўйлаб топиб, қўшнига: “Ўғлимга тор келиб қолди, болангиз кийсин, агар хафа бўлмасангиз”, деб олиб чиқиб берган эканлар. Бундай қилишига сабаб менинг таъмирланган, ямоқ солинган ботинкамни беришга истиҳола қилган, янгини олиб беришга эса пуллари бўлмаган...



Ҳа, биз ана шундай оталарнинг зурриётимиз. Қўшнининг ҳаққини энг муқаддас ҳақ, деб билган отамиз. Аммо бугун қўшничилик муносабатлари бизнинг наздимизда асл рангини, моҳиятини йўқотгандек. Йиллаб бир-бирининг юзини кўрмайдиган қўшнилар орамизда қанча экан? Қўшнимизга қараган деворни унинг пастқам деворидан икки баробар баланд қилиб кўнгли тинчиган қўшнилар-чи, орамизда камми? Ўзининг қасрнома ҳовлисига ярашмай турган тўкилиб тушай, деган ҳовлисидан қўшнисини кўчириб юборишни мақсад қилганлар-чи? Афсуски, улар ҳам бизнинг замондошимиз, биз билан бир ҳаводан нафас олаётганлар. Миллион-миллион сўм сарфлаб тўйлар қилаётган, аммо ночоргина кун кечираётган қўшнисига бир дона нонни раво кўрмайдиган қўшнилар йўқ дейсизми?!

Қўшнининг қўшнидаги ҳақлари ниҳоятда улуғ. Юқоридаги саволларга жавоб тополмай қанчалар қийналсак, бу ҳақнинг бир чимдимини адо эта олмаётганимиз, бизни ундан-да кўпроқ қийнайди.

Арзимаган сабаблар билан юзкўрмас бўлган қўшнилар, бир-бировига ҳасад, ичқоралик билан қарайдиган қўшнилар шуни билсинларки, қиёматда қўшнидан қўшнининг ҳаққи ҳам сўралур.

Яхши қўшни — тақдирнинг иноятi. Халқимиз бежизга “Ҳовли олма, қўшни ол”, демайди. Қўшни яхши-ю ёмон кунингда доим ёнингда бўлади, ҳол сўровчинг бўлади. Агар қўшнингизнинг феъли нокасроқ бўлса, сиз уни ислоҳ қилиш йўлларини қидириб топиб, ўртада иноқчиликни пайдо қилинг, бу ишингизнинг мукофоти улуғдир. Чунки, сиз қўшнингиз билан бир ўзингиз эмас, балки унинг фарзандлари — авлодлари билан биродарлик риштасини пайдо қилган ҳисобланасиз.

Қўшничилик ҳақида соатлаб сўзлаш, қоғоз қоралаш мумкин. Лекин, биз мулоҳазамизни мухтасар қилиб, хулосамизни айтиб қўя қолмоқчимиз, қўшничиликнинг қоидаси иттифоқ, аҳиллик, инсоф ва оқибат. Агар сизнинг муносабатларингизда мана шундай туйғулар барқарор бўлса, демак, сиз яхши қўшнисиз.

**Гавҳар ИСАЕВА,**
**халқ депутатлари Нуробод туман Кенгаши депутати, “Аработа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси**

Кун иқтибоси



**Кино – профессионаллар машғулоти. Бироқ бирданига ҳамманинг режиссёр бўлиб қолганини кўриб уяласан киши...**

**Мана, кино инқирозининг сабаби қаерда!**

**Режиссёрликка иқтидорсиз, хашаки, бунинг устига аҳмоқ кимсалар интилишмоқда.**

**Ален ДЕЛОН**

# “ЧАЛА ИМОРАТ” қураётганларга ЖАЗО БОРМИ?

**Жиззах шаҳрида янги қурилиб, ҳали фойдаланишга топширилмаган кўп қаватли уй қулаб тушганига кўп вақт ўтмади. Бу каби воқеа ва ҳодисалар кенг жамоатчиликни бироз чўчитиб, янги бино ва иморат қураётганларни ҳушёр торттиргани ҳам айни ҳақиқат. Энг ачинарлиси, орамизда ўз зиммасидаги мажбуриятни тўлақонли адо этмаётган бинокорлар кам эмас.**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Луиза Ҳикматовага Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги “Чаманбоғ” маҳалласи, Қорақамиш-2 даҳасида барпо этилган кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар мурожаат қилишди. Гап шундаки, улар ҳозирда яшаётган уйнинг қурилиш ишлари 2014 йилда “Эко-Лидер Плюс” МЧЖ томонидан бошланган эди. 2016 йил август ойига келиб эса қурилиш буткул тўхтаб қолган.

Мурожаатда кўтарилган масала юзасидан ўрганиш олиб борилганида мазкур ҳудуддан кўп қаватли уй харид қилиш учун 57 нафар фуқаро 25-50 фоиз бошланғич тўлов эвазига юқорида номи кўрсатилган қурилиш ташкилоти билан шартнома тузганлиги аниқланган. Мурожаатчилар маълум қилишича, мазкур кўп қаватли уй биносининг эшик ва ромлари ўрнатилмаган, газ, свет, сув, канализация, қувур ва симлари ўтказилмаганлигига қарамай, яшаш учун хавфли бўлган уйни давлат қабул қилиш комиссиясидан ўтказиб юбориб, фойдаланишга топшириб юборилган. Шартномада кўрсатилган маблағ эса талабгорлар томонидан ўз вақтида тўлиқ тўлангани айтилмоқда. Улар бир неча тегишли давлат идораларига мурожаат қилишган, аммо натижа бўлмаган.

Шундан сўнг **2019 йил 3 июль куни даъвогар аҳоли вакиллари ўзаро кенгашиб, қурилиш ишларини ўзлари якунга етказмоқчи бўлишади ва шу мақсадда Самарқанд вилоятидан лифт ўрнатиб берувчи “ООО Лифт GROUP” билан лифт қурилишини охирига етказиш учун шартнома имзоланади. Ҳисоб рақамига 262.000.000 сўм ўтказиб берилган бўлишига қарамай, мазкур фирма ҳам лифт қурилишини охиригача етказмади. Бугун бундан ёши кекса инсонлар, айниқса, азият чекмоқда.**

**Хонадон вакиллари бошланғич тўловдан ташқари “Эко-Лидер Плюс” МЧЖга тўланиши лозим бўлган шартномада кўрсатилган тўлиқ маблағнинг камайтирилганлиги тўғрисида квитанция ёздириб олиб, ўзлари газ, сув, свет ва электр тармоғини ишга туширишган. Эшик ва ромлар ўрнатиб, лифт шахтасини ғишт билан кўтаришган.**

**Даъвогарлар бир неча бор “Эко-Лидер Плюс” МЧЖ раҳбари Х.Зохидовага лифтни ишга тушириб беришни, болалар майдончаси қуриб, уй ёнидан оқиб ўтувчи “Қичқириқ” анҳорини девор билан тўсиб берилишини (булар шартномада белгиланган эди) ҳамда “ООО Лифт GROUP” директори Алишер Каримовга лифтни ишга тушириб беришини айтганида очиқдан-очиқ ушбу масъуллар ишни якунлашни рад этган. Олмазор туман ҳокими муовини ишни ҳал қилиб беришга ваъда берган бўлса-да, ҳалигача жим.**

Президентимиз тадбиркорларга қанчадан-қанча имконият бериб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганда қўл учида иш қилиб, халқни норози қилганлар қонун олдида жавоб бериши шарт. Зеро, тадбиркорлар берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мижозлари манфаатини кўзлаб, шу орқали одамларни рози қилиши лозим.

**Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА,**
**Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби**

МУАССИС:
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *71 288-46-54* (149); Котибият — *71 288-42-14* (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *71 288-42-12* (132); Қабулхона — *71 288-42-12* (141) факс; Реклама бўлими — *71 288-42-14* (132); 90 *900-72-15*

Навбатчи муҳаррир — Саодат Содиқова
Навбатчи — Абдуғани Содиқов

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 200.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади — 2172
Босишга топширилиш вақти — 21.00
Босишга топширилди — 21.00
*Баҳоси келишилган нархда*

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*

info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.